# Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар билан комплекс иш олиб бориш бўйича

# АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

UK International Development
Partnership | Progress | Prosperity

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси

UNFPA

“Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар билан комплекс иш олиб бориш бўйича

**АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар билан профилактика ва тузатиш ишларини олиб бориш учун масъул бўлган давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари вакиллари учун мўлжалланган.

Ҳужжат БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси миллий маслаҳатчилари гуруҳи: Амиркулова Д., Хасанова Д., Эрметова В., Юлдашев С., Вахидов О., Авазова Б., Тухтасинова Д., Артикходжаева Г. томонидан тузилган.

Ушбу нашрда билдирилган фикрлар ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича мутахассисларга тегишли бўлиб, ЮНФПА, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибига кирадиган ташкилотларнинг фикрларини акс эттирмайди.

Ушбу лойиҳа Буюк Британия ҳукуматининг Халқаро тараққиёт маблағи ҳисобидан молиялаштирилган. Бу лойиҳада билдирилган фикрлар Буюк Британия ҳукуматининг расмий сиёсатини акс эттирмайди.

Тошкент, 2023

**Мундарижа**


Атамалар луғати....3

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ....7

I. ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС БИЛАН ИДОРАЛАРАРО КОМПЛЕКС ИШЛАШНИНГ АСОСЛАРИ....9

1.1. Мақсад ва вазифалар.... 9

1.2. Қўлланилиши....10

1.3. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка жавоб беришнинг асосий принциплари.... 10

1.3.1. Зўравонликка идоралараро жавоб бериш принциплари....11

1.3.2. Зўравонликни содир этган шахс билан комплекс ишлаш принциплари....11

1.4. Агрессивлик мавжудлигини кўрсатиши мумкин бўлган белгилар ва хатти-ҳаракатлар. 13

1.5. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир қилган шахс билан мулоқот/ўзаро муносабат. 15

II. ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ СОДИР ЭТГАН ЁКИ СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ ШАХС БИЛАН ИШЛАШНИНГ ТАРТИБЛАРИ....17

2.1 Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ходисасини аниқлаш ва зўравонликни содир этган шахсни идентификация қилиш.... 18

2.2. Зўравонлик ходисасини такрорланиш (такрорий виктимлаш) хавфини баҳолаш. 19

2.3. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишлари.... 21

2.3.1. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ зўравонлик ходисасига жавобан хуқукий таъсир чораларини кўллаш бўйича ваколатли шахснинг профилактик-тузатиш ишлари....22

2.3.2. Тиббий муассаса ваколатли ходимининг хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишлари.... 24

2.3.3. Ваколатли ижтимоий ходимнинг зўравонликни содир этган шахс билан тузатувчи-профилактика ишлари....27

2.3.4. Психологларнинг хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишлари....30

2.4. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни ҳужжатлаштириш.... 32

III. ИЛОВАЛАР....35

1-ИЛОВА. Зўравонлик ишини рўйхатдан ўтказиш....35

2-ИЛОВА. Зўравонликни содир этган шахс(лар)ни аниқлаш бўйича кўрсатмалар.... 44

3-ИЛОВА. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсларнинг такрорий зўравон хатти-ҳаракатларини эрта профилактикаси режаси (намуна)....46

4-ИЛОВА. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика дастури (намуна)....47

5-ИЛОВА. Ҳимоя ордерини бериш органиграммаси....49

6-ИЛОВА. Тузатиш дастуридан ўтказиш органиграммаси....50

7-ИЛОВА. Зўравонликнинг комплекс оқибатлари....51

## Атамалар луғати[1]

**Зўравонлик** –хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Тазйиқ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик, таъқиб этиш.

**Аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик** (АҚНЗ) - аёл ёки қизга жисмоний, жинсий ёки руҳий зарар ёки азоб-уқубатларга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган гендерга асосланган ҳар қандай зўравонлик ҳаракати, шу жумладан, жамоат ёки шахсий ҳаётда бундай хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилиш, мажбурлаш ёки ўзбошимча эркинликдан маҳрум қилиш.

**Гендер зўравонлик** (гендер асосида зўравонлик) "аёл бўлганлиги сабабли аёлга қарши қаратилган ёки аёлларга номутаносиб равишда таъсир қиладиган ҳар қандай зўравонлик ҳаракати". Аёлларнинг эркаклар билан тенглик асосида эркинлик ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини кескин чекловчи камситиш шакли.

**Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи** — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс, шу жумладан 18 ёшдан кичик.

**Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс.** Хотин-қизларга психологик, жисмоний, иқтисодий ва жинсий зўравонлик қўлланилишига олиб келадиган агрессив хулқ-атворни намоён этувчи шахс (шахслар гуруҳи)га айтилади. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс (шахслар гуруҳи) эркак ёки аёл бўлиши мумкин.

**Оилавий (маиший) зўравонлик.** Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйишга қаратилган ҳаракатлар.

**Вояга етмаганларнинг никоҳи** - ўғилболалар ва қиз болалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёшга тўлмаган қонуний ёки фуқаролик никоҳи. Қоидага кўра, қизлар бундан кўпроқ азоб чекишади. (ЮНИСЕФ, Вояга етмаганлар никоҳи, 2012).

**Иш жойи** — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой.

**Жисмоний зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали

[1] Атамалар луғати халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида тузилган.

хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли

**Иқтисодий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Руҳий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Жинсий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

**Таъқиб этиш** — жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилик кўрсатганлигига ёхуд огоҳлантирганлигига қарамай содир этиладиган, жабрланувчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усулларни қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва (ёки) яшаш жойига боришда ифодаланган ҳамда жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган ҳаракатлар.

**Жинсий шерик** - жинсий ҳамкорлар, улар ўртасидаги муносабатлар расмий (рўйхатга олинган ёки фуқаролик никоҳида яшовчи турмуш ўртоқлар) ёки норасмий (севишганлар ёки тасодифий жинсий алоқа) бўлиши мумкин.

**Жинсий шерик томонидан зўравонлик**. Жинсий шеригига нисбатан зўравонлик бутун дунё бўйлаб аёллар бошдан кечирадиган зўравонликнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, хотин-қизларга нисбатан ҳозирги ёки собиқ жинсий шериги томонидан унинг розилигисиз қўлланиладиган жинсий, психологик ва жисмоний хусусиятларга эга қатор мажбурлов ҳаракатларини ўз ичига олади.

**Шаҳвоний шилқимлик қилиш,** яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатлар.

**Зўрлаш/зўрлашга уриниш** - жисмоний ёки бошқа мажбурлаш остида, ҳатто енгил бўлса ҳам, жинсий олатни, тананинг бошқа қисмлари ёки бирор нарса ёрдамида вулва ёки анусга кириши. Бундай уринишлар зўрлаш уринишлари ҳисобланади (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Зўравонлик ва саломатлик бўйича жаҳон ҳисоботи).

**Одам савдоси** – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишни англатади. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки

қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади. (*БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш конвенциясини тўлдирувчи Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, уни чеклаш ва жиноятчиларни жазолаш тўғрисидаги протоколи (Палермо протоколи), 3-модда.*

**Жинсий эксплуатация** — шаҳвоний мақсадда ҳолатнинг заифлигидан, ҳукмронлик ёки ишончни, шу жумладан, бироқ бу билан чекланмасдан бошқа инсонни жинсий эксплуатациясидан пулли, ижтимоий ва сиёсий фойда олишда ҳар қандай суиистеъмол ёки суиистеъмолликка уриниб кўриш. (БМТ Бош котибининг жинсий эксплу- атация қилиш ва таҳқирланишдан ҳимоя қилиш бўйича бюллетени (PSEA) (ST/SGB/2003/13).

**Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

**Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

**Тазйиқ ва зўравонлик жабрланувчисига тақдим этиладиган асосий хизматлар** — хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бошдан кечираётган ҳар қандай аёл, қиз ёки боланинг ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун минимал даражада талаб қилинадиган хизматларнинг асосий тўплами. Гарчи асосий хизматлар ҳар бир мамлакат ёки турли жойларда бир хил тарзда тақдим этилмаса-да, улар соғлиқни сақлаш, психологик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий таъминот ва фаровонлик, хуқуқни мухофаза қилиш органлари ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи каби давлат ташкилотлар мутахассисларнинг хизматлари сингари универсал хизматлар комбинациясини ўз ичига олади.

**Қайта йўналтириш** — тазйиқ ва зўравонлик жабрланувчисининг ўз иши хусусида индивидуал мутахассис ёки муассаса билан алоқага қириш жараёни, ҳамда мутахассислар ёки муассасаларнинг жабрланувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлаш мақсадида биргаликда мулоқот қилиш ва биргаликда ишлаш жараёни саналади. Қайта йўналтириш тармоғидаги ҳамкорлар, одатда, турли давлат идоралари, хотин-қизлар ташки- лотлари, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқаларни ўз ичига олади (ЮНФПА 2010).

**Қайта йуналтириш тизими** — тазйиқ ва зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларнинг ҳимоясини таъминлаш ва ёрдам бериш, уларнинг тўлиқ тикланишида ёрдам кўрсатиш ва ҳукуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришда, зўравонликнинг олдини олиш ва зўравонликни содир этган шахсни таъқиб қилиниши каби умумий мақсадларга эга бўлган, ҳамкорлик тармоғида пухта аниқлаштирилган ва аниқ белгиланган (айрим ҳолларда бир-бирининнг ўрнини тўлдирувчи) қайд этилган мажбуриятлар ва ваколатларга эга бўлган турли объектларни бирлаштирадиган мажмуавий институционал база. Қайта йўналтириш механизмлари самарали ўзаро алоқалар асосида ишлайди ҳамда аниқ ва оддий изчил қадамлардан иборат аниқ белги- ланган йўллар ва иш тартибларни ўрнатадилар. (ЮНФПА 2010).

**Тазйиқ ва зўравонлик ҳодисалари ҳақида ҳисобдорлик** — бир хизматлар тақдим этувчи томонидан бошқа хизматлар тақдим этувчиларга зўравонликни бошидан кечирганжабрланувчини ошкор этиш; қайта йўналтириш жараёнида зўравонлик ҳодисаси ҳақидаги маълумотнинг бошқа муассаса/ташкилот билан алмашинуви. Тазйиқ ва зўравонликни бошидан

кечирган жабрланувчи розилик ва алмашинув учун маълумотлар кўламини белгилаб бергандагина айрим истиснолар билан ҳисобдорлик амалга оширилиши мумкин.

**Тазйиқ ва зўравонлик ходисасига жавобан ҳуқукий таъсир чораларини кўллаш бўйича ваколатли орган/шахс** функционал вазифаларига тазйиқ ва зўравонлик ишини тергов қилиш, жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этиш ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс / шахслар билан профилактика ишларини, ҳамда ҳимоя ордерида белгиланган чекловларга риоя қилиш назоратини олиб бориш киради.

**Тазйиқ ва зўравонлик ходисасига жавобан тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатли орган/шахс –** агрессив ҳулқ ёки зўравонлик хатти-ҳаракатларига ҳамда зўравонлик содир этган шахснинг соғлиғи ҳолати бўйича тиббий баҳо бериш ва тегишли ёрдам хизматларига юбориш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.

**Тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахсга психологик ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатли орган/шахс** - амалий психология ва психотерапия соҳасида махсус тайёргарликдан ўтган, доимий равишда психологик хизматлар кўрсатадиган жисмоний ёки юридик шахс. Психологик ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатли орган/шахс - психокоррекция масалалари бўйича касбий компетенцияларга эга бўлган психолог-консультант, психотерапевт ёки махсус тайёргарликдан ўтган бошқа шахс бўлиши мумкин.

**Тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахс билан ижтимоий иш олиб борувчи ваколатли орган/шахс** - зўравонлик хатти-ҳаракатларининг кучайишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш мақсадида зўравонлик содир этган шахснинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун комплекс чора-тадбирлар қўллайдиган давлат ва нодавлат ташкилотларининг ходимлари.

**Ҳимоя ордери** — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

**Инқироз маркази/тазйиқ зўравонлик жабрланувчилари учун реабилитация маркази** — оғир турмуш шароитида бўлган хотин-қизларга (ва уларнинг фарзандларига), шу жумладан, турли шакллардаги зўравонликка дучор бўлганлар ёки зўравонлик остига тушиш хавфи юқори бўлган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга мўлжалланган давлат ёки хусусий муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари.

**Шелтер/бошпана** — тазйиқ ва зўравонлик барча кўринишларидан қутулмоқчи бўлган хотин-қизларнинг (уларни фарзандларини) ҳимоялаш мақсадида кўпинча давлат муассасалари ёки жамоатчилик ташкилотлари негизида ташкил этилган вақтинча яшаш жойи.

**Кейс-менежмент (ёки ишни бошқариш)** — мажмуавий хизматларни тақдим этишнинг тан олинган ёндашуви бўлиб, бунда зўравонлик жабрланувчиси инқирозли вазиятда муаммолар ечилишига ёрдам бериш мажбуриятига эга бўлган хизматларнинг диққат марказига жойлаштирилади. Кейс-менежментнинг: эҳтиёжларни баҳолаш, режалаштириш, хизматларни тақдим этиш ва мувофиқлаштириш, эришилган ижобий ўзгаришларни баҳолаш каби изчил босқичларига амал қилиш мажбурий ҳисобланади ва барча босқичлар қўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари ҳамда зўравонлик ходисаси иштирокчилари билан биргаликда олиб борилади.

**Аутоагрессия** — бу одам томонидан ўзига нисбатан бузғунчи ҳаракатларнинг амалга оширилиши. Бузғунчи ҳаракатлар деганда ўз жонига қасд қилиш, жароҳат етказиш, алкоголизм, гиёҳвандлик, ўзини айблаш, ўзини-ўзи ҳақорат қилиш тушунилади.

**Виктимланиш** (лат. victim - жарбланувчи, қурбон) – жиноий ҳужум жабрланувчисига айланиш жараёни ёки якуний натижасидир. Жиноий тусдаги ҳаракатлар бошланадиган пайтдан

виктимланиш жараёни бошланади. Содир бўлган воқеа учун "жабрланувчини айблаш" га йўл қўйилмайди.

**Такрорий виктимланиш (жабрланиш)** - бу бирламчи зўравонлик ҳаракатини содир этган шахс томонидан зўравонлик жабрланувчисига такрорий зарар етказиш.

**Иккиламчи виктимланиш -** бевосита атроф муҳитдаги инсонлар, зўравонлик жабрланувчиларига барча хизмат тақдим этувчи ташкилот ходимлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, шифокорлар, адвокатлар ва бошқаларнинг нохолис муносабати орқали зўравонлик жабрланувчисига билвосита зарар етказиш. Яъни стереотипларга асосланган жабрланувчини айблаш, унга қўпол, бепарво муносабатда бўлиш, ўзини ҳулқи ва хатти-ҳаракатларини асос қилиб айбдор шахс сифатида унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, жамиятдан четлаштириш ва ижтимоийлашувига тўсқинлик қилиш.

**Суд-тиббиёт далиллари.** ЖССТ таърифига кўра суд-тиббий далиллардан “фақат судда фойдаланиш мақсадида ҳужжатлаштирилган қўшимча ва аногенитал жароҳатлар ҳамда эмоционал ҳолат, шунингдек жабрланувчи шахснинг танаси ёки кийимидан олинган намуна” сифатида фойдаланилади. “Бундай далиллар сўлак, маний, соч толаси, қов супачасида ўсадиган юнг, қон, сийдик, тола, бегона ашё ва тупроқдан иборат бўлади”.

**Агрессив хулқ-атвор** – инсонларда адоватнинг пайдо бўлиши, бошқаларга нисбатан кескин салбий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши билан ифодаланган комплекс синдром. Агрессив хулқ-атворнинг келиб чиқиш сабаби – ҳукмронлик, назорат ва кучни намойиш этиш, бошқалардан устунлигини кўрсатиш истаги.

**Девиант хулқ-атвор** (шунингдек, ижтимоий оғиш, меъёрдан оғувчи хулқ-атвор) (лот. deviatio - оғиш) - инсоннинг жамиятда ўрнатилган ва қабул қилинган ижтимоий меъёрлардан четга чиқадиган унинг одатий хулқ-атвори. Девиант хулқ-атвор ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин. Салбий девиант хулқ-атвор жамият томонидан маълум расмий ва норасмий жазо чораларини қўллашга олиб келади (изоляция қилиш, даволаш, тузатиш ёки жазолаш).

**Стигматизация** (Стигма (юнонча stigma - “белги, нуқта, тамға”) - тамғалаш. Тамғалаш сўзиданфарқли ўлароқ, стигматизация сўзи ижтимоий белгиларга ишора қилиши мумкин. Шу маънода, стигматизация қандайдир (одатда салбий) сифатни шахсга ёки кўпчилик одамларга нисбатан қўллашдир. Стигматизация камситишга, яъни бир гуруҳ одамларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ҳаракатларга олиб келиши мумкин.

**Ўрганилган чорасизлик** (learned helplessness) - субъектнинг вазиятни назорат қилиш имкони бўлмаслиги натижасида мотивациянинг бузилиши, яъни натижанинг унинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаслигини тан олиш ("қанчалик уринмасин, ҳамма нарса бефойда").

**Тузатиш ва профилактика ишлари** – зўравонликни содир этган шахс/шахслар билан ишлаш бўйича ваколатли органлар ўртасида ўзаро келишилган, шу жумладан зўравон хулқ-атворни тузатиш ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг такрорий виктимлашувини олдини олиш (профилактика) бўйича комплекс таъсир чоралари. (*матнда тузатиш ва профилактика дастури деб юритилади*)

## ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

БМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ЮНФПА — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси
ЖССТ - Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ЮНИСЕФ — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси
ННТ - нодавлат нотижорат ташкилоти
ИИО — ички ишлар органлари
ИЖЧ — идоралараро жавоб чоралари
ОАВ — Оммавий ахборот воситалари

БТЁК — бирламчи тиббий ёрдам кўрсатувчилар
ЖЙБЮИ — жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар
ОИВ - инсон иммунитет танқислиги вируси

## I. ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС БИЛАН ИДОРАЛАРАРО КОМПЛЕКС ИШЛАШНИНГ АСОСЛАРИ

### 1.1. Мақсад ва вазифалар

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик (кейинги ўринларда “зўравонлик”) содир этган шахс билан комплекс тузатиш ва профилактика ишларини олиб бориш жамиятдаги хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммосига қарши изчил чора кўришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Зўравонлик содир этган шахс(лар) билан комплекс иш олиб бориш зўравонликка дучор бўлган аёллар ва қизларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини, адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кенг кўламли тадбирларни ҳамда ҳуқуқий чораларни қўллаш ва профилактика ишларини, шунингдек, зарур бўлганда зўравонлик содир этган шахсни психологик, тиббий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади.

Ушбу амалий қўлланмада келтирилган тавсиялар махсус ваколатли органлар ва ташкилотлар вакилларининг хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс / шахслар билан тузатиш ва профилактика ишларини олиб бориши керак бўлган ўзаро боғлиқ ва изчил ҳаракатларнинг аниқ ва батафсил тавсифини беради.

**Зўравонлик ҳодисаларига аралашув** - ваколатли органларнинг функционал мажбуриятларига мувофиқ жавоб чораларининг қўлланишини англатади.

Амалий қўлланма махсус ваколатли органлар (хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, соғлиқни сақлаш, психологик ва ижтимоий соҳаларнинг тегишли ходимлари)га хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳодисаларига жавобан аралашувида қуйидаги мақсадларга эришиш учун ёрдам беради:

- зўравонликни содир этган шахс / шахсларни самарали аниқлаш;
- зўравонликка жавоб чораларини амалга оширишнинг барча босқичларида жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кучайтириш;
- такрорий виктимлаш (жабрланиш)га олиб келадиган сабабларни бартараф этиш;
- зўравонликни содир этган шахс билан комплекс тузатиш ва профилактика ишларининг сифати ва изчиллигини таъминлаш;
- зўравонлик жабрланувчисини ҳимоя қилиш мақсадида аралашувларнинг махфийлигини таъминлаш;
- зўравонлик ходисасини ҳужжатлаштириш ва маълумотларни тўплаш жараёнини такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришни рағбатлантириш;
- зарурат туғилганда, зўравонликни содир этган шахсларни бошқа мутахассислар (ваколатли органлар) га самарали йўналтириш;

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик жабрланувчилари деб, асосан, аёллар ва қизлар тан олинади, чунки кўпинча айнан улар зўравонликнинг турли шаклларига ва шавқатсиз муносабатга дуч келиш орқали зўравонликнинг бевосита ва билвосита оқибатларидан азият чекишади.Хотин-қизлар дуч келадиган зўравонлик шакллари, уларнинг оғирлиги, тез-тез такрорланиши ва оқибатлари эркаклар дуч келадиган зўравонликдан анча фарқ қилади, бироқ аёллар зўравонлик содир этадиган шахсга айланиши мумкинлигини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Шунинг учун ушбу амалий қулланмада зўравонлик содир этган шахс билан комплекс профилатика ва тузатиш дастурини амалга оширишга қаратилган тавсиялар эркакларга ҳам, аёлларга ҳам, бир гуруҳ шахсларга ҳам тегишлидир.

### 1.2. Қўлланилиши

Амалий қўлланма зўравонликни содир этган шахснинг айнан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик хулқини ўзгартириш, жабрланувчиларни иккиламчи/такрорий виктимлашув хавфини олдини олиш ҳамда бартараф этиш учун профилактика ва тузатиш ишларини олиб борадиган ҳар қандай махсус ваколатли органнинг ходимлари томонидан бажарилиши керак бўлган босқичма-босқич кундалик фаолият, функциялар ва мажбуриятларни тартибга солувчи аниқ ҳаракатларни тавсифлайди.

**Ваколатли органлар тушунчасига** ички ишлар ва соғлиқни сақлаш органлари, ижтимоий-психологик хизматлар тақдим этувчи каби давлат муассасалари ёки ташкилотлари, шунингдек, зўравонлик масалалари бўйича фаолиятни амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари назарда тутилган.

Зўравонлик содир этган шахс билан олиб бориладиган комплекс тузатиш ва профилактика ишлари хотин-қизларга нисбатан барча мумкин бўлган зўравонлик ҳолатларини ҳисобга оладиган кенг кўламли чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатларни ўз ичига олиши керак, шу жумладан:

- хотин-қизларга нисбатан зўравонликни такрорланишининг олдини олиш чоралари;
- дастлабки алоқа ўрнатиш ва агрессивлик даражасини баҳолаш;
- зўравонлик ҳодисасини тергов қилиш;
- судгача бўлган жараён ва суд жараёнларида иштирок этиш;
- зўравонлик жабрланувчисига компенсация тўлаш;
- бошқа ваколатли органларга йўналтириш;
- махсус тузатиш дастуридан ўтишни таъминлаш;
- оиладаги ёки иш жойидаги психо-эмоционал вазиятни баҳолаш;
- комплекс тузатиш ва профилактика ишларининг самарадорлигини назорат қилиш.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан комплекс профилактика ва тузатиш ишида амалий қўлланмадан самарали фойдаланиш учун минимал таёргарлик талаб этилади. Минимал тайёргарлик зўравонликка жавобан умумий комплекс ўқув дастурининг бир қисми бўлиши ва ўз ичига зўравонликка идоралараро жавоб беришни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тиббий, психологик ва ижтимоий хизматлар тақдим этувчиларга хос бўлган ҳаракатларни ифодаловчи бўлимларни олиши керак.

Мазкур амалий қўлланмада ваколатли шахсларнинг соҳавий вазифаларига тегишли бўлган зўравонликни содир этган шахсга/шахсларга махсус ёрдам (масалан, тиббий даволаниш, ижтимоий нафақалар ва бошқа) кўрсатиш мажбуриятлари билан боғлиқ тавсифи келтирилмаган, чунки улар ўзларида мавжуд бўлган соҳавий ички ҳужжатлар билан тартибга солиниши мумкин.

### 1.3. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка жавоб беришнинг асосий принциплари

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка жавобан идоралараро чоралар комплекс тизим бўлиб, қуйидаги мақсадларга эга:

- хотин-қизларга нисбатан зўравонлик билан курашиш ва барҳам бериш бўйича мувофиқлаштирилган ҳаракатларни таъминлаш;
- зўравонликка жавобан тузатиш ва профилактика дастурлар доирасида келишилган идоралараро иш қоидалари ва воситаларидан[2] фойдаланган ҳолда интеграциялашган ва кўп қиррали аралашувни таъминлаш;

---

[2] Идоралараро иш қоидалари ва воситалари – бу ҳамкорлар ўртасида ишлаб чиқилган ва келишилган умумий қоидалар ва воситалар тўплами.

- барча қарор қабул қилиш даражаларда ва барча иштирок этадиган ваколатли органлар томонидан ҳисобот юритишни таъминлаш;
- зўравонлик ҳодисаларига аралашув, шу жумладан қайта йўналтиришнинг амалиётлари ҳақида аниқроқ маълумотларни йиғиш ва тақдим этиш;

### 1.3.1. Зўравонликка идоралараро жавоб бериш принциплари

**Зўравонликка идоралараро жавоб чоралари**. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка жавоб бериш зўравонликни содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахс билан ишлашга махсус ваколатли барча давлат/нодавлат идоралар, муассасалар ва ташкилотлар иштирок этишини назарда тутади.

**Жабрланувчининг эҳтиёжларига қаратилган ёндашув**. Зўравонликка жавобан идоралараро аралашувида иштирок этаётган барча ваколатли органлар зўравонликни содир этган шахсга нисбатан қўлланилаётган ёки қўлланилиши режалаштирилаётган чораларида жабрланувчининг ҳуқуқлари, эҳтиёжлари ва истаклари устуворлигини таъминлаш.

**Ҳамкорлик.** Зўравонликка жавобан идоралараро чораларни амалга ошириш барча тегишли ваколатли органлар ўртасида самарали ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни талаб этади.

**Биргаликда (коллектив) бошқарув.** Идоралараро аралашув ва қайта йўналтириш, стратегиялар ва ҳаракатлар режаларига, шу жумладан дастурларни режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга оид қоидалар коллективлик тамойилига асосан барчанинг иштирокида (агар ўринли бўлса бенефициарларнинг иштирокида ҳам) тузилиши керак.

**Стратегик режалаштириш**. Жамиятдаги зўравонлик ҳодисаси билан курашишга қаратилган сиёсат ва дастурлар ҳар бир иштирок этувчи ташкилотнинг функционал жавобгарлигини кўрсатувчи аниқ мақсадлар ва ҳаракатлар билан умумий идоралараро стратегиялар тоифасига ўтказилиши керак.

**Хизматларнинг мажмуавийлиги**. Аралашув ва қайта йўналтириш тартиб-тамойиллари, шунингдек, ҳимоя чоралари ягона услубга асосланган соҳалараро ёндашувни талаб этади.

**Олдини олиш**. Самарадор кенг қамровли зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш ёндашуви ўз ичига устувор аҳамият сифатида зўравонликнинг олдини олиш, яъни профилактикасини ҳам олиши керак.

**Ҳисобдорлик.** Барча ваколатли ташкилотлар ва улар томонидан амалга оширилган тадбирлар ўзаро келишилган дастурлар ва қоидаларни амалга ошириш ва бажариш, ҳамда ўз фаолиятида устувор принципларга риоя қилиш мақсадида умумий маълумот базаси учун ҳисобдорликни таъминлаш.

**Барқарорлик.** Зўравонликка жавобан идоралараро кенгашиб ҳаракат қилаётган муассасалар/ташкилотлар, сиёсий ўзгаришларга, кадрлар алмашинуви ва кадрлар қизиқиши етишмаслигидан қатъи назар, барқарорлик ёндашувни амалга ошириш ва таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратишлари керак.

**Ихтисослаштирилган ёрдамдан фойдаланиш имконияти** – зўравонлик содир этган шахсга унинг яшаш ва иш жойидан ҳамда зўравонлик хулқ-атворини ўзгартиришга халақит берадиган бошқа шароитлардан қатъий назар ваколатли органлар томонидан ихтисослаштирилган ёрдам олиш имконияти яратиб берилиши.

### 1.3.2. Зўравонликни содир этган шахс билан комплекс ишлаш принциплари

**Зўравонлик учун жазо муқаррарлигини назарда тутувчи ёндашув.** Агрессив хулқ номоёндаси сифатида зўравонлик, агар у бирон бир касалликнинг оқибати бўлмаса, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳисобланади. Зўравонликни содир этган шахс зўравонлик хатти-ҳаракатлари учун қонун томонидан

жазоланишини тушуниши керак ва жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарарнинг оғирлигига ва зўравонлик турига қараб, унга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

**Зўравонликни содир этганлигини тан олишга асосланган ёндашув**. Хотин-қизларга зўравонлик кўпинча анъана ва урф-одатлар билан оқланади ва жамият зўравонликка тоқат қилади. Зўравонликни содир этган шахс ўзининг зўравонлик хатти-ҳаракатларини хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг сабаби бўлган уларнинг жамиятдаги ўрни билан оқлаши, ваколатли шахс эса бунга ҳамфикр бўлиши мумкин. Зўравонлик содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишларини олиб боришда у ўзининг хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этгани учун айбни тан олиш тамойилига асосланиши керак.

**Зўравон хулқ-атворини ўзгартириш (тузатиш) дастуридан ўтишга тайёргарлик принципи**. Зўравонлик учун айбдор деб топилган шахсларга зўравонлик хулқ-атворини тузатиш учун махсус дастурдан ўтиш имконияти таклиф қилиниши керак. Тузатиш дастуридан ўтиш зўравонлик содир этган шахснинг ҳамкорлик қилишга, тузатиш тадбирларида иштирок этишга ва кейинчалик олинган кўникмаларни жабрланувчи билан муносабатларида қўллашга тайёрлигига асосланиши керак.

**Агрессив хулқни тузатиш ишларни қўллаш принципи.** Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларининг сабаби ҳар доим ҳам зўравонлик содир этган шахснинг асоциал/девиант хатти-ҳаракати бўлмаслиги мумкин. Зўравонлик ҳаракатларининг ёки агрессив хулқ-атворнинг сабаби руҳий касалликнинг ёки психологик ҳолатнинг аломатлари бўлиши мумкин, бу вазиятда тиббиёт соҳа мутахассисларнинг ёрдами талаб этилади ва уларга нисбатан тузатиш дастурлари амалга оширилмайди.

**Гендер жиҳатларни инобатга олиш ёндашуви.** Хизмат кўрсатиш жараёни гендер динамикасини, аёлларга нисбатан зўравонликнинг таъсири ва оқибатларини тан оладиган ёндашувни намойиш қилиши керак. Зўравонлик содир этган шахс билан ишлашда аёллар ва қизларнинг муайян гуруҳлари, шу жумладан заиф (ёки махсус хизматларга муҳтож) гуруҳларга мансуб бўлганларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак. Зўравонлик содир этган шахс билан ишлаш ваколатига эга бўлган ходимлар камситувчи ёндашувни қўлламасликлари керак.

**Зўравонлик жабрланувчисининг иштирокига қаратилган ёндашув.** Зўравонлик содир этган шахс билан ишлашда зўравонлик жабрланувчилари ўз манфаатларига дахлдор бўлган барча қарорлар ва ҳаракатларда фаол иштирок этишлари керак.

**Зўравонликдан омон қолганга қаратилган ёндашув.** Жабрланувчининг хоҳиш-истаклари, ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда зўравонлик ҳодисаларига жавоб чораларни қўллашда энг яхши ёндашув жабрланувчига шахсий эҳтиёжларини аниқлаш ва мумкин бўлган ҳаракат йўналишларини танлаш имконини берадиган ҳурматга асосланган муҳитни яратишдир. Ваколатли ходимлар зўравонликдан омон қолганларга ўз қарорларини қабул қилишда қўллаб-қувватлашлари муҳим.

**Жабрланувчиларнинг алоҳида эҳтиёжларига қаратилган ёндашув.** Тазйиқ ва зўравонлик жабрланувчисида алоҳида эҳтиёж ва хизмат кўрсатилишда махсус шароитлар талаб қилиниши кузатилса, масалан, вояга етмаган, жисмоний ва ақлий ногирон, қонун билан зиддият бўлган ва бошқа, расмий ёки тайинланган васийлар/ кузатувчи шахсларни иштироки таъминланиши лозим.

**Хавфсизлик ва қўриқлаш**. Ҳам жабрланувчини, ҳам ваколатли шахснинг хавфсизлиги зўравонликни бошидан ўтказган жабрланувчиларга ёрдам беришни зўравонликни содир этган шахс билан ишни ташкил қилишда устувор аҳамиятга эга бўлиши керак. Зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчининг хавфсизлигини баҳолаш зўравонликни идентификация қилиш босқичида, аёл ёки қиз зўравонлик жабрланувчисига айланганини хабар қилган пайтдаёқ амалга оширилиши керак. Зўравонлик жабрланувчисининг ҳам, ваколатли орган ходимининг ҳам шахсий

хавфсизлигининг баҳоланиши зўравонликни содиар этган шахс билан ҳар бир мулоқотнинг бир қисми бўлиши керак.

**Махфийлик ва сирлилик**. Махфийликка риоя қилиш ҳам зўравонлик жабрланувчини, ҳам ваколатли шахснинг хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим чора ҳисобланади. Аксарият ҳолларда зўравонликни содир этган шахс муҳим маълумотларни яширишга ёки тузатиш дастурини амалга оширувчи билан уни ошкор қилмасликка келишишга интилади. Тузатиш дастуридан ўтувчи билан мутахассис орасида бундай "келишувлар" мунтазам равишда зўравонликка дучор бўлган шахсни ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

**Камситилишнинг ман этилиши**. Зўравонликни содир этган шахснинг ёши, ирқи, миллий келиб чиқиши, дини, жинси, яшаш жойи, соғлиғи туфайли лаёқатсизлиги, оилавий ҳолати, таълим ва ижтимоий-иқтисодий мақомидан, содир этилган зўравонлик тури ва оғирлигидан қатъи назар камситилмаслиги керак.

### 1.4. Агрессивлик мавжудлигини кўрсатиши мумкин бўлган белгилар ва хатти-ҳаракатлар

Ваколатли ходимлар агрессив хулқига эга бўлган шахс билан низолашувчи шахсни ажрата олиши керак. Бунинг учун низо ва зўравонлик фарқини билиш лозим. Низолашиш жараёнида ҳам агрессияга ҳос бўлган эмоциялар, хусусан, жахлдорлик ва қахр кабилар кузатилиши мумкин. Бироқ, низолашишдан фарқли ўлароқ агрессив ҳулқда, жабрланувчини ҳуқуқи умуман тан олинмайди, ва, олдиндан агрессорнинг ҳулқида ҳукмдорлик ҳамда назорат қилиш яққол кўзга ташланади.

Бундан ташқари, ваколатли ходимлар нафақат зўравонлик иштирокчиларининг оғзаки (гап-сўз) баёнотлари ва ҳикояларига, балки ташқи кўринишларига ёки арессивлик белгиларига ҳам аҳамият беришлари жуда муҳимдир.

**Тажовузкор/зўравонлик ҳулқни белгилари:**
Зўравонлик ҳаракати даврида ёки ундан кейин дарҳол тажовузкорнинг ташқи кўринишидаги белгилари:

- таъбихиралик
- ҳаддан ташқари асабийлашиш
- адоват, кек сақловчи, ҳужумкорлик
- тананинг зўриқиши ва сиқилган муштлар
- юзнинг қизариши, лабларининг торайиши
- юзнинг тиришган ифодаси ва кўзларидаги чақнаш
- товуш ритмининг бузилиши (овознинг кескин кўтарилиши, товушдаги титроқлар ва бошқа бузилишлар)
- истерик кулги ёки истериянинг бошқа кўриниши
- гапиришни истамаслик
- қўпол оғзаки ёки таҳдидли имо-ишоралар
- нафас олиш ритмининг ўзгариши
- ўз-ўзини назорат қилишни йўқотиш
- хиссиётлардаги иккиланиш (масалан, севги ва нафрат эмоцияларининг англашдаги чалкашликлар
- агрессив ҳулқдаги турли хил “ниқоб”ларни алмаштириб туриш
- ваколатли ходимнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилади

Юқоридаги белгилар скрининг қилинганидан сўнг, агрессор билан бирламчи интервью бошланади. Ушбу жараёнда ваколатли ходимлар қуйидаги белгилар асосида унинг нутқини ҳақиқат ёки ёлғонга асосланган эканлигини аниқлаши мумкин:

- бир хил вазият бўйича турли хил маълумотларни тақдим этади
- ахборот таркибидаги маълумотларнинг ноаниқлиги, нотўғрилиги

- далиллар келтиришда майда тафсилотларда номувофиқликлар
- нутқи схематик, жонсиз
- хадеб ўзининг ҳақлигини ва ишни холисона кўриб чиқилишидан манфаатдор эканлигини қайта-қайта такрорлаш
- нутқи олдиндан ўзининг фойдасига пухта сценарий асосида тайёрланган бўлганлиги учун, тўғридан-тўғри ёки бехосдан берилган билвосита саволларга жавоб беришдан қочади
- атрофдагиларга номаълум бўлиши мумкин бўлмаган очиқдан-очиқ фактларни яширади.

Зўравонлик ҳодисасини ўрганиш жараёнида, ваколатли орган ходимлари, зўравонликда гумонланувчи шахс томонидан куйида келтирилган ва айнан зўравонликни тасдиқловчи ҳаракатларни содир этганлик ёки этмаганлик бўйича атрофлича кўриб чиқишлари лозим:

- жабрланувчини ташқи муҳитдан ва жамиятдан изоляция қилиши
- оила ва дўстлар билан муносабатни чеклайдиган, шунингдек улар олдида жабрланувчини қадрсизлантирадиган ҳаддан ташқари рашкни намоён қилиши
- транспорт, телефон ва/ёки пул маблағлари, озиқ-овқат ва бошқа зарурий нарсалардан фойдаланишни назорат қилади ва/ёки чеклайди,
- жабрланувчини зўравонликни содир этишга туртки бўлганликда айблайди ва одатда бу ҳолат унинг яқинлари томонидан тўғри деб қабул қилинади
- жабрланувчига манипулятив психологик таъсир кўрсатиш орқали, унда зўравонлик ҳолати юзасидан айбдорлик хиссини юзага келтириш
- жабрланувчининг заиф жиҳатларидан фойдаланган ҳолда, унга нисбатан ҳар қандай ва ўзи хоҳлаган тарзда ҳаракатларни содир этиш
- жабрланувчини таъқиб этиш, шу жумладан, доимий қўнғироқлар, СМС-хабарлар, мобил ижтимоий тармоқларга тез-тез хабарлар жўнатиб, жабрланувчида хавотир ҳолатини юзага келтириш
- шахсий қадр-қимматни таҳқирловчи жинсий ҳаракатларда иштирок этишга мажбурлаш
- оғзаки ҳақорат қилиш, сўкиниш ёки лақаб қўйиш, кўпинча жабрланувчига у "аҳмоқ", "арзимас" ва севилмаганлигини айтиш
- омма олдида таҳқирлаш
- тиббий ёрдам олиш имкониятини чеклаш
- овқатланиш ва ухлаш тартибини жисмоний ва оғзаки ҳақорат билан бузиш, масалан, "Сен тун бўйи ухламасдан мени тинглайсан"
- ҳомиладорлик пайтида зўрлаш ва тажовуз
- жабрланувчини ёки оиласини ўлдириш билан таҳдид қилиш
- ташлаб кетиш, болаларни олиб қўйиш ва ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ таҳдидлар
- мулк ва/ёки уй ҳайвонларига жисмоний шикас етказиш ёки йўқ қилиш билан боғлиқ таҳдидлар
- жисмоний куч билан таҳдид қилиш ёки қўллаш орқали ўзининг барчадан устувор эканлигини намойиш қилиш
- жабрланувчининг итоатсизлигини жазолаш учун қонуний чоралар билан қўрқитиш (масалан, ота-она ҳуқуқларидан маҳрум қилиш)
- жамиятда бир томондан, фақат эркаклар учун анъанавий ҳисобланувчи ва иккинчи томондан, аёлларда инкор этилувчи қотиб қолган ҳулқ-атвор нормаларидан фойдаланиш (жисмоний куч, оилада қарорлар қабул қилиниши, касб танлаш, эркакларнинг асосий ролинитарғиб қилувчи анъанавий патриархал қадриятлар), уларга риоя қилишга мажбурлаш
- жабрланувчи билан ўзаро муносабатида риоя қилиши учун қатъи ҳисобланувчи қоидаларни мантиқий ва ижтимоий асоссиз равишда бир томонлама ўрнатиш ва уларни бузиш ҳолатларида

жазолаш “анъана”лари. Бу қоидалар кўпинча жабрланувчининг ташқи кўриниши, уй-рўзғор ишлари, фарзанд тарбияси, унга хизмат қилиш ва ҳоказоларни тартибга солади.
● зўравонлик ҳодисасидан сўнги ҳулқида сохта ижобий ўзгаришларнинг кузатилиши (узр сўраш, гуллар ва совғалар юбориш, турли ваъдалар бериш ва ҳ.к.б.қ.).

**1.5. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир қилган шахс билан мулоқот/ўзаро муносабат**

**1.5.1. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан мулоқот қилишга оид тавсиялар.**

Ваколатли ходим зўравонликни содир этишда гумон қилинаётган шахс билан камситиш ва айблашга йўналтирилмаган хавфсиз алоқа ўрнатиши лозим. Бунинг учун қуйидаги тавсияларга риоя қилиш талаб қилинади:
● конфиденциал муҳит яратиш;
● айбламасдан, виждонлиликни текширмасдан саволлар бериш;
● гаплар ва иборалардан фойдаланишда маданий хусусиятларни ҳисобга олиш;
● зўравонлик ҳодисасини содир этган шахсга имкон даражасида, агар хулқида ҳуқуқбузарлик ва жиноят аломатлари бўлмаса, конфиденциалликни кафолатлаш мумкинлиги тўғрисида хабар бериш;
● тиббий ёрдамга зарурат мавжуд бўлганда, тегишли тиббиёт муассасаларига йўналтириш тизими ҳақида маълумот бериш.

Ваколатли ходимларда (ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тиббий, психологик ва ижтимоий хизматлар) зўравонликни содир этган шахснинг агрессив хулқига мойил эканлигига гумон пайдо бўлсада, лекин шахс ўзининг агрессив хулқини ниқобласа ( тан олмаса, яширса, рол ўйнаса), бу вазиятда унга босим ўтказмасдан, қуйидагилар ҳақида маълумот бериш:

- зўравонликнинг жабрланувчини, атрофдаги инсонлар, шу жумладан, болаларни ва ҳаттоки зўравонликни содир этган шахснинг ўзининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида;
- унга тақдим этилиши мумкин бўлган хизматлар турлари ҳақида.

Ваколатли ходим зўравонликни содир этган шахснинг **эмоционал ўз-ўзини бошқара олмаслик ҳолатига** дуч келганда, унда у қўйидаги одатий қоидаларга амал қилиши лозим:
● зўравонликни содир этган шахс билан ҳеч қандай баҳсга киришмаслик;
● ҳайрхоҳлик билан ва ишонтирадиган тарзда гапиринг;
● хотиржам кўринишни сақлаш, баланд оҳангда гапирмаслик, унга орқа билан ўгирилмаслик.
● Зўравонликни содир этган шахс томонидан таҳдид солинганда, чекинишга ҳаракат қилиш (жойни тарк этиш) ёки бошқа одамларни ёрдамга чақириш.

**1.5.2. Зўравонликни содир этган шахсда ваколатли орган билан ҳайрхоҳлик асосида ҳамкорлик қилиш учун мотивация яратиш.**

Тузатиш ва профилактика ишларининг дастлабки босқичи зўравонликни содир этган шахсни ваколатли хизматлар билан ҳамкорлик қилишга ундашдир. Мотивация моделини танлашдан олдин уни ёшини, касбини, маълумоти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси ва зўравонликни содир этган шахсни ижтимоий муҳитини ўрганиш ва ҳисобга олиш лозим.

Зўравонликни содир этган шахснинг мотивлари нимага йўналтирилганлигини олдиндан аниқлаш жуда муҳимдир. Мотивация яратиш учун зўравонликни содир этган шахс билан олиб бориладиган суҳбатда, ваколатли ходим агрессив хулқ оқибатларини батафсил таҳлил қилиш орқали, ушбу ҳаракатни тўхтатиш учун асосли аргументларни келтира олиши лозим.

Бундай аргументларга қўйидагилар мисол бўла олади:

<u>**Ҳуқуқий аргументлар:**</u>

- Зўравонлик жиноятдир, ҳар бир жиноят учун жазо муқаррардир.
- Зўравонликни содир этган шахс доимо маъмурий назорат остида бўлади.
- Тергов ва суд органлари аралашуви, профилактик ва маъмурий ҳисобларга тушиб қолиш туфайли, ўзига ва фарзандларига нисбатан жамоатчилик нигоҳида "жиноятчи, хуқуқбузар, судланган, оиласи аъзоси судланган" каби ёрлиқларнинг пайдо бўлиши.
- Ижтимоий муносабатларда муайян хуқуқ ва имтиёзлардан чекланиб қолиш, ноқобил оилалар рўйхатига тушиб қолиш хавфи.

<u>**Тиббий аргументлар:**</u>

- Зўравонлик жабрланувчи ва унинг фарзандларининг соғлиғи учун қисқа ва узоқ муддатли асоратларни, ҳамда сурункали касалликларни келтириб чиқаради.
- Агрессив хулқ зўравонликни содир этган шахснинг ҳам соғлиғига, яъни репродуктив ва психосоматик ҳолатига зиён етказади.
- Зўравонлик ҳодисаси жабрланувчи, уни фарзанди (ҳомиласи) ва ҳаттоки, зўравонликни содир этган шахсни ўзининг ҳам ўлимига олиб келиши мумкин.
- Зўравонлик натижасида жабрланувчи, уни фарзанди, шунингдек, зўравонлик содир этган шахс ногирон бўлиб қолиши мумкин.

<u>**Психологик аргументлар:**</u>

- Зўравонликнинг ҳар қандай кўриниши болада психологик травма (жароҳат)ларни юзага келишига олиб келади.
- Психологик травма асосида улғайган бола анъанавий тарзда зўравонлик сценарийсини такрорлайди.
- Сурункали агруссив хулқ психопатия ва социопатия аломатларини келтириб чиқаради.
- Агрессив хулқ зўравонликни содир этган шахсда ижтимоий қадриятлар ва алоқаларни йўқотади, салбий аҳлоқий-руҳий ёрлиқларга (жинни, псих, тарбиясиз, дебил, монстр, социопат ва х.қ.) эга бўлади.

<u>**Ижтимоий-иқтисодий аргументлар**</u>**:**

- Зўравонлик оилага моддий ва молиявий зарар етказади.
- Зўравонлик боланинг ривожланишига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади, унинг инсоний салоҳиятини рўёбга чиқаришга имкон бермайди.
- Зўравонлик оила учун қўшимча харажатларни келтириб чиқаради, моддий неъматларни хизмат муддатини қисқартиради ёки уларни йўқ қилишга олиб келади.
- Зўравонлик ходисаси зўравонликни содир этган шахснинг иш жамоасидаги мавқеига, жабрланувчини, яқин атрофдаги бошқа инсонларни ҳамда зўравонликни содир этган шахсни ўзининг меҳнат қилиш қобилиятига салбий таъсир қилади.

<u>Зўравонликни содир этган шахс билан ишлашда қуйидаги **асосий қоидаларга** амал қилиш тавсия этилади:</u>

- Консультатив суҳбатларда мулоқотнинг конфиденциалликка амал қилиш ҳақида хабар бериш;
- Консультатив суҳбатларни "унинг устида эмас, балки у билан" ишлаш тамойили асосида қуриш.
- Хайрихоҳ бетарафликни ҳурмат қилиш. Жабрланувчи билан муносабатларда зўравонликни содир этган шахснинг вакили ёки маслаҳатчиси бўлмаслик, " ўзингизни зўравонлик жиноятчиси сифатида тўхтатиш" мақсадга эришишга оид маслаҳатлар бериш учун шароит яратиш.
- Танбеҳлар бериш, ўзини ундан устунлигини кўрсатиш, хулқига ташхис қўйишдан ҳамда айбловчи позицияга ўтишдан воз кечиш.

- Зўравонликни содир этган шахсни ҳаётининг турли қирраларига самимий қизиқиш кўрсатиш, уни тубдан ўзгартиришга уринишдан ва насихатгуйлик оҳангидан воз кечиш.
- Зўравонликни содир этган шахснининг ҳаётидаги майда ижобий ўзгаришларни ҳам эмоционал қўллаб-қувватлаш.
- Зўравонликни содир этган шахснинг унинг ўзига ва эҳтиёжларига, яқин алоқаларига ( оила ёки иш жойи), тузатиш дастури давомида олиши мумкин бўлган ёрдамларга алоҳида қизиқиш билдириш.
- Зўравонликни содир этган шахс суҳбат жараёнида онгли ёки онгсиз равишда асосий мавзудан четга чиқиши кузатилса, ваколатли ходим уни устамонлик билан зўравонлик ҳодисасини мухокамасига қайтариш. Ваколатли ходим ҳар қандай зўравонлик кўринишига нисбатан ўзининг ички асосланган салбий муносабатига эга бўлиши керак.
- Зўравонлик содир этган шахсни асосий эътиборини айнан кўриб чиқилаётган зўравонлик ҳодисасига қаратиш ва бу орқали унинг зўравонлик ҳаракатига оид айтиб ўтаётган ҳикоялари орқасидан кетиб қолишни олдини олиш.
- Агрессив ҳулқни тузатишда иштирок этаётган мутахассислар билан ишлашга оид қарорига ҳурмат билан қараш.
- Зўравонликни содир этган шахс ва мутахассислар ўртасида ўрнатилган тузатиш иттифоқи аниқ мақсадга, яъни зўравонликни тўхтатишга йўналтириш лозим.
- оилада ва иш жойида зўравонлик аломатларисиз мулоқот қилишнинг муқобил усулларини қўллаб-қувватловчи имкониятларини яратиш.
- Тузатиш жараёнидаги элементлар (учрашиш вақтлари, давомийлиги, жойи, вазифалар ва х.қ) зўравонликни содир этган шахс учун ҳам тушунарли, ҳам қулай бўлиши керак.
- Зўравонликни содир этган шахс вазият босими остида тузатиш дастурига (маслаҳат, профилактик суҳбат ва ҳоказо) келган бўлса ҳам, унинг эҳтиёжлари ва хоҳишларидан келиб чиқиб, дастлаб мотивацияси билан ишлаш, кейинчалик эса комплекс тузатиш дастурига жалб этиш.
- Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка идоралараро жавоб чораларининг барча стандарт процедураларига мувофиқ ишлаш.

## II.ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ СОДИР ЭТГАН ЁКИ СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ ШАХС БИЛАН ИШЛАШНИНГ ТАРТИБЛАРИ

Тазйиқ ва зўравонликни содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишларининг умумий мақсади зўравонлик хатти-ҳаракатларини ўзгартиришга, ижтимоий ва бошқа сабабларни бартараф этишга, хотин-қизлар ва уларнинг атрофидаги инсонларнинг, айниқса фарзандлари, соғлиғи, хавфсизлигини, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминлашга комплекс таъсир кўрсатишдан иборат.

Зўравонлик содир этган деб эътироф этилган шахс билан тузатиш ва профилактика ишларини олиб бориш зўравонлик ҳодисаларига жавоб беришнинг ажралмас қисмидир, чунки бу зўравонлик хатти-ҳаракатларни манбаларини йўқ қилишга ёки агрессив хулқ-атворга олиб келадиган сабабларни салбий таъсирини кескин камайтиришга имкон беради.

Тузатиш ва профилактика ишларини олиб боришда босқичма-босқич тартиблар қуйидаги кетма-кетликда ишлаб чиқилган ва белгиланган: 1)идентификация (аниқлаш); 2)такрорий жабрланишнинг хавфини баҳолаш; 3)тузатиш ва профилактика ишлари; 4) ҳужжатлаштириш; ва 5) қайта йўналтириш. Босқичма-босқич тартиб-қоидалари зўравонликни содир этган шахс билан ишлаш бўйича барча ваколатли органлар учун умумий бўлимларни ўз ичига олади, бирок ҳар бир ваколатли орган учун алоҳида белгиланган тузатиш ва профилактика ишлари босқичи бундан мустасно.

Зўравонликни содир этган шахс зарар етказиши мумкинлиги тўғрисида бирон бир далил ёки шубҳа мавжуд бўлса, ваколатли шахс зўравонлик ходисасининг такрорланишининг олдини олиш учун

барча чораларни кўриши, шу жумладан зарурат туғилганда жабрланувчига ва зўравонликни содир этган шахсга шошилинч ёрдам кўрсатиши шарт.

Ваколатли шахс ҳар қандай жавоб чораларни қуллашдан олдин, вазиятга нисбатан бетараф бўлиш ва ўз функционал мажбуриятларини бажариш учун ўзининг барча шахсий стереотиплари , бошидан кечирилган хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ходисаларни ёки бошқа тўсиқлар олиб ташланиши ва ҳал қилинишини таъминлаши керак.

### 2.1 Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ходисасини аниқлаш ва зўравонликни содир этган шахсни идентификация қилиш

Ҳар қандай хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳодисасига жавобан фаолият талаб қилинганда биринчи қадам бу зўравонликнинг ва уни сабабларини аниқлашдан иборат бўлади. Бу босқич ўз-ўзини ошкор қилиш, қайта йуналтириш ёки зўравонлик хақида хисобот тақдим этиш йўллари орқали маълум бўлганда амалга оширилиши керак.
Зўравонлик ходисасини аниқлаш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин:
1) зўравонлик жабрланувчисининг мурожаатига кўра;
2) аҳолига турли хизматлар кўрсатувчи ходимларнинг уйма-уй ташрифлари;
3) бошқа ташкилотлар, муассасалар ёки жисмоний шахслардан олинган маълумотлар;
4) зўравонлик профилактикасини олиб борувчи ва жавобгарлик чораларини кўрувчи бошқа субъектлар тақдим этган маълумотлар;
5) ижтимоий тармоқлардаги хабарлардан/мурожаатлардан.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсни тўғри аниқлаш (зўравонликни содир этган шахс сифатида тасдиқланиши) жуда муҳим саналади, чунки аксарият ҳолларда турли шахслараро низоларнинг иштирокчилари (оила аъзолари ўртасида низолар, иш жойидаги низолар ёки қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликлар ва бошқа вазиятларда) шахсий масала ва шахсий ҳаёт соҳасига тегишли сифатида кўрсатилади, бу эса учинчи томонни аралашувини талаб қилинмайди. Ёки зўравонликни содир этган шахс кўпгина ҳолларда ўзини жабрланувчи сифатида кўрсатиши мумкин.

**Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қуйидаги алоҳида муҳим белгиларга эга бўлади:**

- Шахслараро низолардан фарқли ўлароқ, зўравонлик шу зўравонликни содир этувчи шахс томонидан зўравонлик жабрланувчисига нисбатан ўзининг “назорат” ва “ҳукмдорлигини” намойиш қилиш зарурати сабабли юзага келади;
- Зўравонлик жабрланувчисида унга нисбатан зўравонлик ҳолатлари содир этилишида доим ўзини айбдор эканлиги тўғрисида қатъи фикр шаклланган бўлади;
- Зўравонликни содир этувчи (объект) ва жабрланувчи (субъект) ўртасида муносабатларнинг ўзига
- хослиги (эр-хотин, қариндошчилик, касбий бўйсуниш каби муносабатлар);
- Зўравонлик ҳаракатлари такрорланиши билан бир қаторда, ҳаракатлар зўравонликни бир неча турлари орқали содир этилади (масалан, руҳий-жисмоний, жисмоний-жинсий, ёки ҳаммаси биргаликда).
- Зўравонлик содир этувчи ўз ҳаракатларини олдиндан режалаштирилиши ва унга тайёргарлик кўриши.
- Зўравонлик ходисасидан жабрланувчининг яқин инсонлари (болалари, ота-онаси, қариндоши) ҳам жабр кўриши. Бу “иккиламчи виктимизация” деб аталади;

- “Зўравонлик цикли»[3]ни қисқариб бориши билан бир қаторда зўравонлик ҳаракатлари ёвузлашиши.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш бўйича ваколатли шахсларининг устувор ҳаракати зўравонлик жабрланувчисининг, шунингдек зўравонликни содир этган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид соладиган ҳолатларга нисбатан шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўлиши керак (тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлса). Оғир, ҳаётига хавф туғдирадиган ҳолатдаги зўравонлик жабрланувчиси унинг ҳар қандай ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдан олдин дарҳол шошилинч даволанишга юборилиши керак.

Ваколатли ходимлар зўравонликни турини, шунингдек, зўравонлик жараёнларида иштирок этувчи шахсларни аниқлаш учун зўравонликни содир этган шахсга ва унинг атрофидаги инсонларга қуйидаги қўшимча аниқловчи саволларни беришлари тавсия этилади:

- Аёлнинг (қизнинг) шахсий эркинлигини ва мустақиллигини қуйидаги холатларда чеклаганмисиз:
  - бошқа одамлар билан мулоқот қилишда,
  - уйдан чиқишда
  - турли тадбирларда иштирок этишда (тўйлар, байрамлар ва бошқалар);
  - бошқа инсонлар билан учрашишда?
- Хотин-қизни қаерга, қачон ва ким билан боришга оид қарорини ким қабул қилади ( масалан, ота-онаси/қариндошлари олдига боришига)?
- Хотин-қиз шахсий ёки болалар эҳтиёжлари учун оила маблағларини ўзи мустақил бошқара оладими?
- Хотин-қизни ёки унинг оила аъзоларининг соғлиғига, жисмоний ёки ақлий имкониятларига нисбатан ҳақорат ва камситувчи сўзлар, ҳақоратомуз гаплар айтган пайтларингиз бўлганми?
- Хотин-қизни калтаклаган, бўғган, туртган ва/ёки урганмисиз?
- Ушбу ҳаракатларни амалга оширишда хотин-қизнинг саломатлиги ва ҳаёти учун қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида нималарни биласиз?
- Зўравонликни содир этганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик борлигини биласизми? Бу ҳақда нима биласиз?

## 2.2. Зўравонлик ҳодисасини такрорланиш (такрорий виктимлаш) хавфини баҳолаш

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш бўйича ваколатли ходимлар зўравонлик ҳодисасини ўрганиб (тергов қилиб), зўравонлик содир этган шахсни аниқлагандан сўнг, зўравонликнинг такрорланиш эҳтимоли ва жабрланувчи, унинг атрофи ва зўравонликни содир этган шахснининг ўзи учун салбий оқибатлар хавфини баҳолаши керак.

Хавфни баҳолаш зўравонликни содир этган шахснинг жисмоний ва руҳий саломатлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, ижтимоий ҳаёти, атроф-муҳит билан муносабатларини ва иқтисодий ҳолатини дастлабки баҳолаш орқали амалга оширилади. Бу маълумотларнинг барчаси ваколатли ходимларга зўравонликни содир этган шахснинг мавжуд булган эҳтиёжлари ва ресурсларидан келиб чиққан ҳолда унга мос келувчи тузатиш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ёрдам бериши керак. (4 илова ).

[3] **Зўравонлик цикли (англ. Cycle of abuse)** - бу Леноре Эдна Уокер томонидан ишлаб чиқилган назария бўлиб, муносабатларда зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир этган шахснинг хатти-ҳаракатларинитушунтириш учун. Цикл тўрт босқичдан иборат: кучланишнинг кучайиши, зўравонлик, ярашув ёки "асал ойи"(хотиржамлик)

Зўравонлик ҳодисасининг такрорланиш (такрорий виктимлашиш) хавфини баҳолаш босқичида ваколатли органларнинг вакили қуйидаги мувофиқлаштирилган ва ўзаро боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириши керак.

- Тузатиш ва профилактика ишларида иштирок этиш учун шароит яратиш.
- Зўравонлик ҳолатларининг такрорланиш хавфи даражасини баҳолаш
- Иккиламчи маълумотларни тўплаш.

**Профилактик-тузатиш ишларини бошлаш учун зарур шароитларни яратиш.**
Ваколатли ходим ишончли муҳитни яратиш ва зўравонликни содир этган шахсдан ҳақиқий маълумот олиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиши керак:

- у билан самимий саломлашиш;
- ўзини таништириш ва у ишлайдиган ваколатли органининг аралашув учун хуқукий меърлари/хизматлари қисқача тавсифлаш;
- ишончли тарзда ундан ўзини таништиришни сўраш;
- зўравонликни содир этган шахс ёки унга ҳамроҳ бўлган шахслар билан жисмоний алоқага кирмаслик, , шунингдек, тўсатдан ҳаракат қилишни олдини олиш;
- ваколатли ходимларнинг функционал мажбуриятлари юзасидан саволлар бериш имкониятини бериш;
- зўравонликни содир этган шахснинг турли эхтиёжманд гуруҳ вакили булганида (масалан, жисмоний ёки ақлий нуқсонлари бўлган шахслар, диний қоидаларга сўзсих риоя қиладиган шахслар ва этник озчиликларни ташкил қилувчи шахслар) алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиш, ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш;
- конфиденциал, ҳайрихоҳ муҳитни яратиш;
- зўравонлик ходисаси иштирокчиларини тинглаш ва аниқловчи саволлар бериш;
- зўравонликни содир этган шахсни ёлғиз қолдирмаслик, айниқса, ўз жонига қасд қилиш фикри, ўзига шикаст етказиш эҳтимоли ёки зўравонликнинг янада кучайиши хавфи мавжуд бўлса.

**Зўравонлик ҳодисаларнинг такрорланишини баҳолаш учун қуйидаги фактлар содир бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида маълумот тўпланг:**

- жабрланувчига, унинг фарзандларига ёки бошқа оила аъзоларига нисбатан зўравонликнинг олдинги ҳаракатлари/ҳодисалари (масалан: таъқиб қилиш тарихи, зўравонликнинг қўлланилган шакллари ва воситалари, илгари содир этилган жиноятлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилган аризалар, қуроллардан фойдаланиш каби холатлар хавфни баҳолаш кўрсаткичлари ҳисобланади);
- зўравонлик содир этган шахснинг оиладан ташқаридаги агрессив хулқ-атвори;
- ажралиш ва алоҳида яшаш (юқори хавф даври ҳисобланади);
- бошқа оила аъзоларининг зўравонликни содир этган шахс билан бирлашиши;
- қуролни қонуний ёки ноқонуний сақлаш ва/ёки ишлатиш ёки қурол ишлатиш билан таҳдид қилиш;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш хатти-ҳаракатларни тартибсиз қилиши ва зўравонликни кучайтириши мумкин;
- таҳдидларга, хусусан, ўлим таҳдидига жиддий ёндашиш керак;
- рашқ ва эгалик қилишнинг кескин шакли;
- зўравонликни жамиятда мавжуд бўлган анъана ва урф-одатлар нуқтаи назаридан тушунтириш ва зўравонлик жабрланувчиларини зўравонликни содир қилган шахс билан тенг бўлмаган вазиятга қўйиш;
- зўравонлик содир этган шахс томонидан ўрнатилган қоидаларни жабрланувчи сўзсиз бажариши ҳақидаги талаби;
- зўравонликнинг турли шаклларини (психологик, жисмоний, жинсий, иқтисодий) қўллаган ҳолда, жабрланувчисининг хатти-ҳаракатларини зўравонликни содир қилган шахс томонидан

назорат қилиш;
- зўравонлик жабрланувчини эҳтимолий зўравонлик такрорланишидан ҳимоя қилувчи вақтинчалик ҳимоя ордерлари ёки суд қарорларини бажармаслик;
- зўравонликнинг кескин кучайишига олиб келиши мумкин бўлган бошқа сабаблар (масалан, мавжуд муносабатлардаги ўзгаришлар).

Ваколатли ходимлар зўравонлик ҳодисасини баҳолашда иккиламчи маълумотларни тўплашлари лозим бўлади:
● зўравонликни содир этган шахсни ва жабрланувчининг биологик оиласининг тарихи;
● зўравонликни содир этган шахс атрофидаги бирламчи ва иккиламчи ижтимоий гуруҳлар/тузилмалар/институтлар ҳақида;
● зўравонликни содир этган шахснинг иқтисодий аҳволи;
● зўравонлик хатти-ҳаракатларини ўзгартириш учун шахсий стратегиялар/ҳаракатлар ҳақида.

Зўравонлик ҳодисасини такрорланиш хавфини баҳолашда ваколатли органлар вакиллари зўравонликка қарши идоралараро жавоб беришнинг бошқа иштирокчилари билан процедуралар ва ҳаракатларни қуйидагилар орқали мувофиқлаштиришлари керак:
● зўравонлик ҳодисалари бўйича бошқа органлар ва ташкилотларга қонуний кучга эга бўлган мажбурий хисоботлар ва тақдим этилган маълумотларнинг мазмуни бўйича аниқлаштириш ишлари;
● зўравонликни содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишларининг самарадорлигига эришиш учун зарур бўлган ёрдам/қўллаб-қувватлаш/хизмат турлари ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотларни йиғиш.

### 2.3. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишлари

Зўравонликка жавобан идоралараро хамкорликда жабрланувчига комплекс ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, зўравонликни содир этган шахс билан комплекс тузатиш ва профилактика ишларини олиб боришни ҳам назарда тутади.

Зўравонликни содир этган шахс билан комплекс иш олиб бориш икки гуруҳ фаолиятни ўз ичига олади:
- **биринчиси,** зўравонлик содир этган шахсни белгиланган тартибда тузатиш дастуридан ўтказиш орқали зўравонлик хатти-ҳаракатларини тузатишга қаратилган тадбирлар;
- **иккинчиси** - жабрланувчини ва унинг болаларини давлат томонидан ҳимоя қилиш ва профилактика тадбирларини таъминлаш орқали такрорий виктимизациядан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар.

Зўравонлик содир этган шахс билан тузатиш ишлари бўйича комплекс дастур зўравонликка қарши идоралараро жавобнинг бир қисми бўлиб, 4 та мажбурий қисмдан иборат: ҳуқуқий жавоб, тиббий, ижтимоий ва психологик.

**Тузатиш-профилактик ишлар (дастур) ўз ичига қуйидагиларни олади:**
- зўравонликнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий тадбирларни белгилаш
- зўравонлик содир этилишига олиб келган ва унга имкон берган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш
- яширин (латент) зўравонликни аниқлаш, тоифалаш ва якка тартибда ёки гуруҳ таркибида тузатиш

- зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг содир этган хатти-ҳаракатларининг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида улар билан якка тартибда ёки гуруҳ шаклида тушунтириш ишларини олиб бориш
- зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини камситмаган ва бузмаган ҳолда ўз ҳиссиётларини очиқ намоён этишга, хатти-ҳаракатларини назорат қилишга ўргатиш
- шахснинг низоли ҳолатга тушишининг олдини олиш, бошқа шахсларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш
- зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахснинг атрофидаги шахслар томонидан унга нисбатан салбий психологик таъсир ўтказилиши оқибатида учинчи шахсга нисбатан зўравонлик ўтказиш ҳолатига тушмаслик кўникмасини шакллантириш
- урф-одатлар билан тажовузкор хатти-ҳаракатларни оқлайдиган шахсий муносабатларнинг ўзгариши
- жабрланувчиларини зўравонликнинг такрорланишидан ҳимоя қилиш бўйича самарали ташкилий чораларни кўриш
- агар зарур бўлса зўравонликни содир этган шахсни хатти-ҳаракатларнинг сабабларини бартараф этиш (ёки уларнинг салбий таъсир даражасини пасайтириш) учун тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш.

Мутахассиларни кузатуви остидаги тузатиш дастурлари биринчи ва иккинчи ҳимоя ордери чиқарилгандан кейин профилактика ишлари ижобий натижа бермаган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Зўравонликни содир этган шахс билан тузатиш-профилактика ишлари ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган муддатларда ёки ваколатли органлар томонидан тасдиқланган тузатиш-профилактика дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки токсикомания билан оғриган шахслар, шунингдек, руҳий нуқсонлари бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ахлоқ тузатиш ишларини ўташларига йўл қўйилмайди ва мажбурий даволанишга юборилиши керак. Даволанишнинг ижобий натижаси ва тиббий муассасанинг ушбу ҳолатларнинг даволаниши тўғрисидаги хулосаси бўлса, зўравонлик содир этган шахслар индивидуал тузатиш дастурига юборилади.

Ҳар бир ваколатли орган зўравонликни содир этган шахс билан ишлаш бўйича функционал мажбуриятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, қуйидаги бўлимларда хар бир аралашув тури бўйича алоҳида ҳаракатлар тавсифи келтирилган.

### 2.3.1. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ходисасига жавобан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахснинг профилактик-тузатиш ишлари

**Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли органлар фаолиятининг мақсади** – хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, зўравонлик содир этган шахснинг ҳаракатларини ҳуқуқий оқибатлари ҳақида огоҳлантириш, тазйиқ ва зўравонлик жабрланувчиларига ҳимоя ордерлари берилишини таъминлаш, зўравонликдан жабр кўрганларнинг такрорий виктимизация хавфини ҳамда зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган омилларни бартараф этиш.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари давлат томонидан ишончли ҳимоя қилиниши зарур.

Ушбу ҳимояни хуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли органлар бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорликда амалга оширадилар.

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс ўзига тегишли бўлган вазифаларни хотин-қизларга нисбатан зўравонликка жавобан иштирок этадиган бошқа ваколатли органлар билан биргаликда ҳамкорликда ишни ташкил қилади ва улар ўртасида мувофиқлаштирувчи вазифасини ўз зиммасига олади. Профилактик-тузатиш дастурларини бажарилишини кузатади, ҳужжатлаштиради ва ҳисобдорликни таъминлайди.

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс қуйидаги ваколатли органлар билан биргаликда профилактик-тузатиш дастурини амалга оширади:

- Соғлиқни сақлаш муассасалари
- Меҳнат органлари
- Таълим муассасалари
- Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари
- Бошқа ижимоий масалалар билан шуғулланувчи муассасалар.

Хотин-қизларга нисбатан содир этилган зўравонликка ҳуқуқий баҳо бериб, ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича ҳужжатларни тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.

**Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс томонидан тузатиш дастурини ўтказиш тартиби**

- Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс тазйиқ ва зўравонлик содир этилган жойига ташриф буюриб, жабрланувчини ва зўравонлик содир этган шахсни аниқлайди, вазиятни баҳолайди ва қонунда ўрнатилган тартиб ва белгиланган муддатларда ҳимоя ордерини расмийлаштиради.
- Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс зўравонлик содир этган шахс билан профилактик суҳбат ўтказади ва ҳимоя ордерида белгиланган чекловларни бузган тақдирда унга нисбатан кўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий чоралар ҳақида огоҳлантиради. Профилактик суҳбатнинг баённомасини расмийлаштиради.
- Зўравонлик ходисасига жавоб чораларини амалга оширадиган ваколатли ташкилот ва идоралар вакилларидан тузилган гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштиради.
- Ваколатли органлар билан ҳамкорликда зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича профилактик-тузатиш дастурини ишлаб чиқади, зўравонлик содир этган шахсни ушбу дастур билан таништиради.
- Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс тузатиш дастуридан ўтаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини тузатишга қаратилган чора-тадбирларни назорат қилади.
- Зўравонлик содир этган шахснинг зўравон ҳулқ-атвори ўзгармаган тақдирда ёхуд жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғига хавф кучайиши ҳолати кузатилганда, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосан белгиланган тартибда ҳимоя ордерини амал қилиш муддати узайтирилишини ва қўшимча чеклов чоралари қўлланилишни таъминлайди.
- Ўрнатилган тартибда ҳимоя ордери узайтирилганда, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс бошқа масъул вакиллар билан биргаликда тузатиш дастурини қайта кўриб чиқади ва зўравонлик содир этган шахсни мазкур дастурдан ўтишга йўналтиради ҳамда бу ҳақда ваколатли органларни хабардор қилади.

**Зўравонлик содир этган шахс билан мулоқот қилишда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс қуйидаги кўрсатмаларга мувофиқ ҳаракат қилиши керак**

- ҳар бир зўравонлик ҳолати инсон ҳуқуқларининг бузилиши эканлигини унутмаслик;
- бирламчи таассуротга берилмаслик, совуққонликни сақлаш;
- зўравонликни англашга тўсқинлик қиладиган атамалардан фойдаланмаслик (масалан, зўравонликни "жанжал" ёки "можаро" деб аташ). Аксинча, бу зўравонлик эканлигини таъкидлаш керак;
- ҳар бир зўравонлик ҳолати индивидуалдир ва ваколатли шахснинг олдинги тажрибаси асосида ҳал қилинмаслиги керак;
- зўравонлик содир этган шахс билан баҳслашмаслик;
- зўравонлик содир этган шахсга зўравонликнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда шу каби ҳаракатларнинг жабрланувчи, фарзандлари ва яқинлари, ҳамда ўзининг ҳаёти ва соғлиғига таъсирини тушунтириш зарур.

### 2.3.2. Тиббий муассаса ваколатли ходимининг хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишлари

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс билан ишлашда тиббий аралашувнинг мақсади: унинг руҳий ва жисмоний соғлиғини тиббий кўрикдан ўтказиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш (кўрсатма бўлган ҳолда), зўравонлик холатининг унинг оила аъзолари ҳаёти ва соғлиғига, жамиятга ва тажовузкорнинг ўзига етказиладиган зарари ҳақида тушунтириш ишларини ўтказиш; тузатиш-профилактика ишларини олиб бориш, соғлиқни сақлаш тизими ичида, ҳамда тегишли идоралараро тузилмаларга йўналтириш.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахслар билан ишлашда дуч келадиган тиббиёт мутахассислари - психиатрлар, оилавий шифокорлар, психотерапевтлар, наркологлар, эндокринологлар ва бошқа тор мутахассислар бўлиб, зарурат туғилганда, биргаликда ёндош касалликларни ташхислашда ва тиббий чораларни кўришда иштирок этадилар.

**Соғлиқни сақлаш хизмати томонидан хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Тиббиёт ходимлари учун хотин-қизларга нисбатан зўравонлик аёл/қиз/боланинг ва зўравонликни содир этган шахснинг соғлиғи билан боғлиқ муаммоларга ёки саломатлигининг ёмонлашишига олиб келиши мумкинлигини билиш муҳимдир. Агрессия ёки тажовузкор хатти-ҳаракатларнинг сабаблари хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсда руҳий, неврологик ёки эндокрин касалликларнинг мавжудлиги, шунингдек, алкоголизм, гиёҳвандлик, токсикомания каби қарамлиги бўлиши мумкин.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсни бирламчи текширишнинг клиник ва инструментал усуллари:

- текшириш;
- сўров;
- суҳбат;
- психологик тестлар;
- кузатиш;
- гемодинамик кўрсаткичлар: пулс, қон босими, нафас олиш тезлиги, кислород билан тўйинганлик, глюкометрия;
- жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, ОИВ га таҳлил.

**Агрессив хулқ-атворнинг пайдо бўлиши мумкин бўлган тиббий ҳолатлар**

Тиббиёт ходими бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечта сабабларга кўра юзага келиши мумкин бўлган агрессив хатти-ҳаракатларининг пайдо бўлишининг омилларини аниқлаши керак. Руҳий бузилишларга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- характернинг патопсихологик хусусиятлари;
- ақлий зўриқиш, айниқса кучсиз характерли заиф одамларда;
- асаб тизими ва инсон психикасига нисбатан бузғунчи хусусиятга эга бўлган психофаол моддаларга (алкогол, гиёҳванд моддалар, дори воситалари, аерозоллар, ўсимлик моддаларига) патологик қарамлик;
- чегаравий ҳолатларнинг руҳий кўринишлари (невроз), нотўғри тарбия, оиладаги низолар;
- руҳий касаллик (эпилепсия, шизофрения, психопатия ва бошқалар);
- ёшга боғлиқ деменция - кексалик агрессиясининг сабаби.
- ҳаддан ташқари ортиқча эмоционал ва жисмоний куч талаб этадиган меҳнат фаолият, уйқу етишмаслиги билан кечувчи сурункали чарчоқ;
- таркибида тажовузкорлик бўлган компютер ўйинларига иштиёқ, ўхшаш мазмундаги филмларни тез-тез кўриш;
- ижтимоий-иқтисодий сабаблар (масалан, ҳал қилинмаган ҳаётий ва шахсий муаммолар: оила, иш, соғлиқдан маҳрум бўлиш).

**Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик воқеа жойида тиббий ходимнинг ҳаракатлари алгоритми**

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этилган жойдаги ҳуқукий таъсир чораларини кўллаш бўйича ваколатли шахс томонидан тиббиёт ходими (тез тиббий ёрдам шифокори, оилавий шифокор ва бошқалар) жалб қилинган бўлса, қуйидаги ҳаракатлар алгоритми амалга оширилади:

-хотин-қизларга нисбатан зўравонликдан жабр кўрган шахсга "Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик жабрдийдаларига тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича тизимдаги мавжуд клиник протоколларга биноан етказилган шикастлар ва жароҳатлар турига қараб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

-тиббиёт ходими дастлабки текширув, сўроқ ва клиник текширув (қон босимини, пульси, нафас тезлиги ва б.) ўтказади ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахснинг ақли расолиги ва руҳий ҳолати тўғрисида хулоса беради.

-агар зўравоник содир этган шахс гиёҳвандлик, алкоголизм, токсикомания, кимё препаратларига қарамлик ва суистеъмол қилиш, шунингдек, руҳий касалликлар аниқланса, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс қарори билан зудлик билан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсни мажбурий психо-наркологик стационарга даволаш учун юбориш зарур.

Агар руҳий ҳолатни баҳолашда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс ақли расо деб топилса, жабрланувчига етказилган жароҳатларнинг оғирлиги (жисмоний, руҳий-эмоционал, ижтимоий ва бошқалар) ўзининг, хотини ва фарзандлари ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солмаса, тузатиш дастури ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ваколатли шахс томонидан ҳимоя ордери берилгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Баъзан хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс жабрланувчини қўрқитиш учун ўзига турли хил жароҳатлар етказиши мумкин (синган шиша, пичоқ, устара ва бошқалар билан ўзини кесиши). Бундай холларда зўравонлик содир этган шахс жароҳатларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш керак.

Тиббиёт ходимининг хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан ишлашнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли алгоритми соғлиқни сақлаш тизимида турли тор соҳа мутахассислараро ёндашув ёки қайта йўналтириш билан тавсифланади.

Ваколатли тиббиёт ходими мавжуд кўрсатмаларга асосан, соғлиқни сақлаш тизими доирасида қуйидаги тор соҳа мутахассисларига маслаҳат учун йўлланма беради:

- Психиатр маслаҳати
- Эндокринолог маслаҳати
- Невропатологнинг маслаҳати
- Психоневрологнинг маслаҳати
- Оилавий психолог маслаҳати
- Гинеколог маслаҳати
- Уролог/андролог маслаҳати

Агар зўравонлик содир этган шахсда оғир руҳий касалликлар аниқланмаса, психолог билан машғулотлар ўтказиш тавсия этилади.

Ваколатли тиббиёт ходими зарур маслаҳатлар ўтказгандан ва агрессив хулқ-атвори бўлган беморга даволанишни буюрганидан сўнг, уни диспансер назоратига олиши, даволаниши ва тузатиш дастурининг ўтишини назорат қилиши, беморнинг аҳволи ҳақида оила аъзоларидан (хотини, фарзандлари, ота-онаси ва бошқалардан) сўраб туриши лозим. Агрессив хатти-ҳаракатларнинг унинг ўз саломатлигига ва оила аъзоларининг саломатлигига хавфи ва салбий оқибатлари ҳақида суҳбатлар ўтказиши керак.

Зўрвонлик содир этган шахсда психосоматик касалликлар аниқланганда шифокор тавсиясига биноан даволаш режаси белгиланади.

Руҳий патологияларга хос бўлган агрессивликни даволаш фақат шифокор кўрсатмаси бўйича қўлланиладиган ва дорихоналарда психиатр ёки психотерапевтнинг рецепти бўйича сотиладиган дори-дармонларни мажбурий қўллашни талаб қилади.

- бензодиазепин транквилизаторлари.
- нейролептиклар.

Асоссиз агрессияни даволаш учун турли хил дори воситаларидан фойдаланиш мумкин - инъекция, ичга ютиладиган ва тил ости таблеткалар усулида. Ҳар бир усулнинг ўзига хос афзалликлари бор. Енгилроқ ҳолатларда, айниқса беморлар муаммодан хабардор бўлса, таблеткаларни қабул қилиш етарли. Мураккаб вариантлар инъекция билан даволашни талаб қилади.

Муҳим: Дори-дармонларни қабул қилиш, албатта, ўткир агрессив ҳужумни бартараф этишда ажралмас восита бўлган психотерапевтик аралашув (одатда шифокор томонидан амалга оширилади) билан бирлаштирилади.

Агрессивлик (агрессия) намоён бўлишининг ўткир шаклини бартараф этгандан сўнг, шифокор ёки тор мутахассис ташхисга қараб терапевтик тадбирлар режасини тузади. Муайян ҳолатда қайси даволаш тури энг мос келишини, яъни амбулатор ёки стационар даволашни аниқлаш жуда муҳим. Даволаш одатда анча узоқ давом этади ва кўпинча амбулатория шароитида амалга оширилади.

Амбулатория шароитида даволаниш учун беморнинг консультацияси давомида беморнинг ўзи – хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахснинг ўзини қилган ишига муносабати ва ўзини ўзи англаши билан шуғулланиш керак. У ўзининг оғриқли ҳолатидан хабардорми ва ундан ўзи қутулишни хоҳлайдими? Агар беморда ижобий муносабат бўлса, у дори-дармонларни уйда қабул қилиши ва шу тарзда даволаниши мумкин. Белгиланган дори-дармонларни вақтида қабул қилиши унинг яқинларидан бири томонидан қўшимча равишда назорат қилинса яхши бўлади.

Касаллиги депрессия ва агрессия билан кечадиган холатлар алоҳида гуруҳнии ташкил этади. Уларни даволаш стационарда амалга оширилади ва бунда терапевтик дорилар ва дозасини аниқ танлаш муҳим.

- Эркаклардаги агрессияни даволашдаги энг қийин вариантлар – бу даволаниш учун мотивация бўлмаган ҳолатлардир. Айниқса, бундай ҳужумларга асос бўлмаса. Эркаклар кўпинча тиббий ёрдамдан бош тортадиган беморлардир. Шунинг учун терапевтик режани танлашда шифокор психотерапия ва беморни даволаниши учун мотивацияга, рағбатлантиришга катта эътибор беради.
- Аёлларда агрессияни даволаш кўпинча руҳий касалликларни келтириб чиқарадиган гормонал муаммоларни бартараф этишга асосланган.
- Кекса одамда агрессия кўп ҳолларда бош мия қон томирлар етишмовчиликнинг ривожланишига олиб келувчи кексалик деградация (деменция) натижасидир.
- Болалик қўрқуви билан "болаликка тушиш", кейинчалик ҳис-туйғуларнинг мураккаблашуви, асабийлашиш, мия қон айланишини ва мия ҳужайраларининг метаболизмини яхшилайдиган махсус препаратларни қўллашни талаб қилади. Кексалик билан боғлиқ агрессияда керакли дори-дармонларни тўғри ва ўз вақтида тайинлаш яхши клиник натижаларга эришишга имкон беради.

| |
|---|
| Психотерапия барча турдаги патологияларни даволашда муҳим рол ўйнайди. Психотерапиянинг қуйидаги турлари қўлланилади: рационал ишонтириш, онгга сингдириш, гипноз, гуруҳларда даволаш. |

### 2.3.3. Ваколатли ижтимоий ходимнинг зўравонликни содир этган шахс билан профилактика-тузатиш ишлари

Ижтимоий хизматлар вакилларининг хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишларига аралашуви (иштирок этиши) **мақсади:** унинг шахсий, оилавий ёки касбий ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар туфайли зўравонлик хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ сабабларни аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам бериш, шунингдек, у билан комплекс ижтимоий иш олиб бориш орқали унинг зўравонлик хатти-ҳаракатларини тузатишдан иборат.

Ваколатли ижтимоий ходим ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг қарори, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа масъул ҳисобланган ташкилотларнинг қарорларига мувофиқ белгиланган тартибда тузатиш ва профилактика ишларига жалб этилиши мумкин.

Зўравонлик содир этган шахс билан ижтимоий иш бир неча муҳим босқичларни ўз ичига олади, улар зўравонликга қарши идоралараро жавоб чоралари ҳамда зўравонлик содир этган шасхлар билан ишлаш принципларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ваколатли ижтимоий ходим ўз функционал вазифалари доирасида зўравонликни содир этган шахс билан биргаликда зўравонлик хатти-ҳаракатларини кучайтирувчи сабабларни бартараф этиш ва оилада (ёки иш жойида, агар зўравонлик у ерда амалга оширилган бўлса) муҳитни ижобийлаштириш мақсадида индивидуал чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш учун зўравонликни содир этган шахснинг унинг ҳаётидаги ижтимоий ва иқтисодий шароитларига оид барча маълумотларни тўплаш, уларнинг агрессив хулқни намоён бўлишига таъсири даражасини баҳолаш керак. Маълумотлар муҳим ижтимоий жиҳатларга тегишли бўлиши мумкин, масалан оилавий мавқеи, яшаш жойининг мавжудлиги ва шароитлари, оиланинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун даромад манбаларининг мавжудлиги, ёмон одатларнинг мавжудлиги (алкоголизм, гиёҳвандлик, қимор ўйинлари ва бошқалар).

Шуни эсда тутиш муҳимки, зўравонликни содир этган шахс билан ижтимоий иш олиб борадиган ваколатли ходимлар агрессив хулқининг асл сабабини мустақил равишда аниқлай олмайдилар,

чунки уларни диагностика қилиш учун психолог ёки тиббиёт ходимларнинг профессионал малакаси талаб этади.

Тиббиёт ходимларга мурожаат қилиш зарурати бўлса, ундан олдин ваколатли ижтимоий ходим зўравонликни содир этган шахснинг агрессив хулқининг сабаби руҳий саломатлик ёки ёмон одатларга (алкоголизм, гиёҳвандлик, токсикомания, қимор ўйинлари) қарамлик мавжудлиги билан боғлиқ эмаслигини аниқлаш учун агрессивлик рейтинги шкаласи асосида дастлабки скрининг ўтказиши мумкин.

Ваколатли ижтимоий ходим зўравонликни содир этган шахсда руҳий касаллик мавжудлигига шубҳа қилган ҳолларда, у агрессив хулқининг ҳақиқий сабабларини тасдиқлаш зарурлиги тўғрисида тузатиш ва профилактика ишининг бошқа иштирокчиларига (профилактика инспектори, оила шифокори, психологлар) хабар бериши керак ва вазият аниқлангунга қадар ижтимоий ёрдам кўрсатишни тўхтатиб туриши керак бўлади.

Ваколатли ижтимоий ходим агрессив хулқни қўзғатувчи ижтимоий-иқтисодий сабабларни бартараф этиш бўйича барча мавжуд имкониятларни ҳисобга олган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши лозим.

Агар хотин-қизга нисбатан зўравонлик ҳаракати бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган бўлса, чора-тадбирлар режасида бу ҳолат ҳисобга олиниб, зўравонлик ҳодисасида барча иштирок этганларни шахсий мотивлари ҳам ўрганилади.

Зўравонликни содир этган шахс билан ижтимоий иш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олиши мумкин, лекин улар билан чекланмайди:

- Касбга ўқитиш, ишга жойлашиш ва ўз бизнесини яратиш учун мақсадли кредитлардан фойдаланиш бўйича давлат дастурлари, имтиёз ва преференциялар ҳақида маълумот бериш.
- Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари вакилларини даволаш бўйича давлат дастурлари тўғрисида ахборот бериш.
- Аёллар учун имтиёзли уй-жойларни олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни тайёрлаш ва имтиёзли уй-жойларни олишда ёрдам бериш.
- Кам таъминланган оилаларга моддий, молиявий ва бошқа ёрдам кўрсатиш, ёрдам олишда кўмаклашиш бўйича давлат манзилли рўйхатларига киритиш.
- Ҳужжатларни, шу жумладан мулкий ва бошқа фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш учун ҳужжатларни тиклашда ёрдам бериш (масалан, оталикни белгилаш, болалар билан учрашиш ва ҳоказо).
- Агрессив хулқ-атворининг хавфлилиги, зўравонлик ҳодисасининг тиббий ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳақида профилактик суҳбат ўтказиш.
- Болалар, оила аъзолари, жумладан, кексалик ва ногиронлиги бўлган шахслар учун нафақа тайинлаш давлат дастурлари ҳақида маълумот бериш.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг ваколатли ижтимоий ходими жабрланувчи ва унинг фарзандларининг қайтиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида зўравонликни содир этган шахс билан агрессив ҳулқини ўзгартириш ва биргаликда яшовчи/ишловчи барча шахслар учун хавфсиз муҳитни яратишга қаратилган профилактик суҳбат ўтказади. Профилактика ишлари, зўравонлик даражасига қараб, такрорий виктимлашув **хавфи паст** бўлганда медиация(воситачилик) усуллари орқали, такрорий виктимланиш **хавфи ўртача ёки юқори** бўлганда эса давлат ҳимоясини олишга кўмаклашиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ваколатли ижтимоий ходим зўравонликни содир этган шахс билан ишлашда идоралараро жавоб қайтариш тизимидаги бошқа ваколатли ходимлари билан биргаликда махалла даражасида оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиладиган комиссия йиғилишларида

зўравонлик ҳодисасини муҳокама қилиш каби ёндашувлардан фойдаланиши мумкин, бироқ бу муҳокамалар конфиденциал асосда ташкил қилиниши лозим.

Зўравонлик ҳодисаси Пробация хизматида рўйхатда турган ёки жазони ўташ муассасидан озод қилинган шахстомонидан содир этилган тақдирда, ваколатли ижтимоий ходими ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятларнинг такрорланиш ҳамда зўравонликнинг кучайиш хавфини камайтириш учун ушбу хизматлар билан маълумот алмашиши керак.

Зўравонликни содир этган шахс билан комплекс тузатиш ва профилактика ишлари доирасида кўрсатилган ижтимоий ёрдам тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда тўпланиши ва сақланиши керак, шунингдек, зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш тизими доирасида бошқа ваколатли органларга зўравонлик ҳодисасига алоқадор бўлмаган қисми конфиденциал асосда берилиши мумкин.

Ижтимоий хизматнинг ахлоқ тузатиш ва профилактика ишларида иштирок этиши фақат жиноят содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлганда, зарур ҳолларда ахлоқ тузатиш дастуридан ўтганда ва зўравонлик хатти-ҳаракатларига олиб келадиган барча мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий сабаблар бартараф этилганда тугалланган ҳисобланади.

**Ваколатли ижтимоий ходимнинг зўравонликни содир этган шахс билан ижтимоий ишни олиб боришдаги ҳаракатлар алгоритми қуйидаги кетма-кет ҳаракатлардан иборат:**

- Зўравонлик ҳодисаси содир бўлган муҳитнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини дастлабки баҳолашни ўтказиш. Зўравонлик акти иштирокчиларини аниқлаш, зўравонликнинг асосий ташаббускорини (асосий агрессор) ва зўравонликдан жабр кўрганларни, яъни жабрланувчи ва унинг атрофидагилар, аниқлаш.
- Агрессив ҳулқининг сабабларини аниқлаш ва жабрланувчиларни такрорий виктимланишдан ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордери бериш заруратини аниқлаш учун зўравонлик содир этган шахс билан ишлайдиган бошқа ваколатли ходимларни жалб қилиш.
- Идоралараро ёндашуви принципи асосида ҳамда зўравонликни содир этган шахснинг бевосита иштирокида тузатиш ва профилактика ишларининг комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.
- Агрессив хулқни тузатиш учун режалаштирилган тадбирларни бажарилишини мувофиқлаштириш. Масалан, зўравонликни содир этган шахсни психолог билан тузатиш машғулотларига ташриф буюриш, агрессив хулқнининг сабабларини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтиш, ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспектори билан профилактик суҳбатларга ташриф буюриш ва бошқалар.
- Бандлик, даволаниш, даромад манбаларини яратиш, турмуш шароитини яхшилаш ва ҳоказо масалаларда давлат ёрдамини олишга кўмаклашиш.
- Жабрланувчи ва зўравонликни содир этган шахснинг ўзлари билан суҳбатлар орқали зўравонлик ҳодисасининг такрорланиши хавфи ҳақида даврий кузатиш ва маълумот тўплаш.
- Агрессив хулқининг ўзгаришини ўрта муддатли баҳолашни ўтказиш ва агрессив хулқини кучайишига туртки бўладиган сабабларни бартараф этиш.

Жабрланувчига ва унинг фарзандларига нисбатан зўравонлик хавфи минималлаштирилган ҳолларда, зўравонликни содир этган шахснинг агрессив хулқида ижобий ўзгариш тенденциялари мавжуд бўлса, ваколатли ижтимоий ходим зуравонликнинг хавфни якуний баҳолашни ўтказади ва ишни ёпади. Акс ҳолда, ваколатли ижтимоий ходим жабрланувчилар ва уларнинг фарзандларини такрорий виктимлашув шароитлари минималлаштирилгунга қадар ёки тўлиқ бартараф этилгунга қадар зўравонликни содир этган шахс билан ишлашда давом этади.

### 2.3.4. Психологларнинг хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишлари

Психолог аралашувининг **мақсади:** тажовузкор томонидан зўравонликка йўл қўйиб бўлмаслигини тушуниши ва англашини таъминлаш орқали ғайриижтимоий хулқ-атвор ва унинг оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишига эришиш, ўз тажовузкор ҳис-туйғуларини қандай бошқаришни, зўравонликсиз алоқа ва ўзаро таъсир усулларни ўргатишдир.

Ушбу мақсадга қуйидагилар орқали эришилади:

- бирламчи психологик маслаҳатлар бериш
- агрессив хулқни тўхтатиш ва ҳиссий ҳолатни барқарорлаштириш
- зўравонликнинг ўзи, оила аъзолари ва жамиятнинг психологик фаровонлиги ва соғлиғига зарари ҳақида маълумот бериш
- умуман психологнинг иши, индивидуал психологик маслаҳатнинг вазифалари ва имкониятлари ҳақида маълумот бериш
- психологик тузатиш ва профилактика ишларини олиб бориш
- тегишли идоралараро тузилмалар (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, соғлиқни сақлаш органлари ва ижтимоий хизматлар)га юбориш.

Психологларнинг барча иши зўравонликка нисбатан идоралараро жавоб чоралари бўйича йўриқнома ва зўравонликни содир этган шахслари билан ишлаш принципларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Зўравонлик ҳодисаси аниқлангандан кейин психологик маслаҳат ёки профилактика-тузатиш ишларини олиб бориш учун зўравонликни содир этган шахслар, агар уларда патологиялар бўлмаса, ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қарори, шунингдек маҳаллий ҳокимият ва бошқа ташкилотларнинг қарорлари асосида, белгиланган тартибда ва (ёки) ўз ихтиёри билан психологларга юборилиши мумкин.

**Лекин!** Айнан психолог зўравонликни содир этган шахснинг хусусиятларини инобатга олиб, махсус усуллардан фойдаланган ҳолда, зўравонликни содир этган шахснинг тузатиш дастурларида қатнашиш ҳуқуқига эга ёки эга эмаслигини ҳал қилади.

Барча агрессорлар ҳам психо-коррекцион дастурда иштирок эта олмайди ва ундан ўтмайди. Бунинг учун маълум мезонларга жавоб бериши керак:

- дастур оғир руҳий касаллиги ёки миянинг органик шикастланиши бўлган аёллар ва шахслар учун ЭМАС;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қиладиган эркаклар / аёлларучун бундай турмуш тарзидан бутунлай воз кечиш зарурий шарт бўлади.

**Психологик ёрдам хизмати томонидан зўравонликни содир этган шахс билан ишлаш хусусиятлари:**
Фақат ўз муаммосини тушунадиган ва ўз хатти-ҳаракатини ўзгартириш устида ишлашга тайёр бўлган зўравонликни содир этган шахс билан ишлаш керак.

- Зўравонлик содир этган шахсга ўз муаммоларини қўллаб-қувватловчи муҳитда ҳал қилиш имконияти берилиши керак.
- Ҳудудлардаги оддий одам менталитетининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва психологлар фаолиятининг мақсад ва тамойиллари ҳақида маълумот бериш керак.
- Зўравонликни содир этган шахс билан ишлашга профессионал ёндашиш.

- Зўравонликни содир этган шахснинг маслаҳатга келиш қарорини ҳурмат қилиш ва у муносабатларни зўравонликсиз муносабатларга ўзгартиришга ҳаракат қилиш.
- Зўравонлик содир этган шахсни айбланувчининг ўрнига қўйманг, бу мотивация босқичида психологик ёрдам кўрсатиш жараёнини мураккаблаштириши мумкин (сиз доимий равишда эркак/аёл тажовузкорни номақбул хатти-ҳаракатларда, оилавий ва/ёки ишлаб чиқариш муносабатларида айблай олмайсиз) .
- Зўравонликни содир этган шахс билан ишлашда жабрланувчини таклиф қилиш тақиқланади.
- Зўравонлик содир этган шахснинг мудофаа позициясини тушуниш, шунингдек у билан тузатиш ишларини тугатиш учун, унинг: "ҳозир бизда ҳаммаси яхши, бу бир бўлган эди, мен ўзимни назорат қилмадим" сўзлари билан у психологнинг хатти-ҳаракатларини бошқаришига йўл қўймаслик керак.
- Психолог билан ишлаш мотивациясини шакллантириш муҳимдир. Агар мутахассис билан маслаҳат ёки бошқа иш учун мотивация бўлмаса, у ҳолда иш самарасиз бўлади.
- Зўравонликни содир этган шахс билан ишончли алоқа ўрнатиш ва маслаҳатлашув режасига амал қилиш имкониятини яратиш учун ўзаро муносабат ўрнатиш ва фаол тинглаш усулидан фойдаланиш.
- “Мен сизни тушунаман” иборасини ишлатмаслик.
- Зўравонлик содир этган шахс суҳбатни содир бўлган воқеанинг "сабаблари"дан узоқлаштиришга ҳаракат қилса-да, аниқ саволларни бериш ва унинг диққат-эътиборини аниқ саволларга қайтариш.

**Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан психолог ишининг ҳаракатлари алгоритми**

Психологнинг зўравонликни содир этган шахс билан ишлаши қуйидаги ҳаракатларни ўз ичигаолади:

● Индивидуал маслаҳатлашув учун дастлабки учрашувни ўтказиш, унинг давомида зўравонлик содир этган шахснинг руҳий ҳолатига кўра унинг ҳолатини диагностика қилиш ва психиатрик каалликлар эҳтимолини аниқлаш. Агар руҳий патологиялар белгилари кузатилса, маслаҳат учун психиатрга йўналтириш.

● Бирламчи ташхис натижалари, индивидуал консультациялар соатлари сони, мумкин бўлган гуруҳ учрашувларининг тематик блоклари ва хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришини баҳолаш кўрсаткичлари асосида терапия мақсадлари тавсифи билан индивидуал тузатиш ва профилактика дастурини ишлаб чиқиш.

Агар психологик зўравонлик факти аниқланса, зўравонликни содир этган шахсни агрессив хулқини ўзгартиришга қаратилган тузатиш дастури психолог ва профилактика инспектори томонидан биргаликда ишлаб чиқилади. Агрессив хулқнинг сабаблари, зўравонликни содир этган шахснинг психологик жароҳати ва бошқалар туфайли ҳар бир тажовузкор учун алоҳида тузатиш дастури ишлаб чиқилиши керак.

Гуруҳ машғулотлари барча зўравонлик содир этган шахсларга тавсия этилади ва улар гендер сезгирлигини ривожлантиришга, гендер стереотиплари ва патриархал қарашларни йўқ қилишга қаратилган бўлиши керак.

• Психологнинг тузатиш дастуридан мажбурий ўтиш тўғрисида шартнома имзолаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакили билан биргаликда иккинчи индивидуал маслаҳатлашув.

Агар зўравонликнинг ҳар хил турларининг оқибатлари аниқланса, ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тиббиёт, психологик ва ижтимоий хизматларнинг вакиллари билан биргаликда тажовузкор билан тузатиш ва профилактика ишларининг комплекс режаси ишлаб чиқилади. Тузатиш дастури ва комплекс режа зўравонликни содир этган шахсга нисбатан ички ишлар органлари томонидан очилган шахсий ишга илова қилинади.

Зўравонлик хулқини тузатиш дастури ва комплекс режа зўравонликни содир этган шахсга нисбатан хуқуқни мухофаза қилувчи органлар томонидан очилган шахсий ишга илова қилинади.

Шуни эсда тутиш керакки, агрессор билан босқичма-босқич комплекс иш ***камида олти ой давом этади.***

<u>*Индивидуал маслаҳат*</u> қуйидаги блоклардан иборат:

- агрессор ҳис-туйғулар билан ишлаш ва психолог фаолиятининг мақсадлари, ҳамкорликнинг имкониятлари ва афзалликлари ҳақида маълумот бериш орқали психолог билан ҳамкорлик қилиш мотивациясини шакллантириш
- тузатиш соҳаси ва психотерапия стратегиясини аниқлаш учун психодиагностика
- агрессорни зўравонликсиз хатти-ҳаракатларнинг моделларига ўргатиш учун тузатиш машқлари ва техникаси
- гендер социализацияси (ижтимоийлашуви), бузилган гендер стереотиплари, масъулиятли оталик ва бошқа ижтимоий роллар ҳақида психологик таълим
- зўравонликнинг олдини олиш ва бостиришга қаратилган агрессорнинг атрофидагилар билан психологик профилактика ишлари.

Тузатиш дастури амалга оширилгандан сўнг вазиятни баҳолаш, агрессив ва зўравонлик хатти-ҳаракатларининг мумкин бўлган такрорланишининг олдини олиш мақсадида зўравонликни содир этган шахс билан кейинги ишлаш учун барча профилактика учун масъул бўлганлар учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тузатиш ва профилактика дастуридан ўтгандан сўнг, ***бир йилдан икки йилгача вақт давомида*** қайта такрорланишларни олдини олиш учун, зўравонлик даражасини кузатиш учун агрессорнинг оиласи билан алоқани давом эттириш режалаштирилади.

### 2.4. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни ҳужжатлаштириш

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг ҳар бир ҳолати **агрессор** билан ишлаш учун ваколатли ходимлар томонидан ҳужжатлаштирилиши керак. Ҳужжатлаштириш шахсий маълумотларнинг махфийлигини, маълумотларни рақамлаштиришни, маълумотларнинг ишончлилигини, ваколатли органларнинг ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини ҳужжатлаштириш стандарт шакллар, қўлда ёзилган эслатмалар, диаграммалар, фотосуратлар, қоғоз регистрлари ва бошқалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ваколатли ходимлар **агрессор** билан ишлаш бўйича ўз мандатларига мувофиқ хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс тўғрисида маълумотларни тўплайди:

- Умумий маълумотлар (ёши, маълумоти, яшаш жойи ва яшаш шароити, оилавий аҳволи, бандлиги, болалар сони ва бошқалар).
- Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳақида тўлиқ маълумот, жумладан:
    - Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик даъвосини тасдиқловчи далиллар;
    - бошқа ҳодисалар тарихи (агар бўлган бўлса), шу жумладан олдинги ҳамкорлар билан;
    - жабрланувчи ва **агрессор** ўртасидаги муносабатлар;
    - зўравонлик тури;
    - зўравонликнинг тез-тез қайтарилиши ва мунтазамлиги
    - қуроллардан фойдаланиш (қандай ва қандай турдаги);
    - ҳодисада ҳозир бўлган гувоҳлар, шу жумладан болалар тўғрисидаги маълумотлар;
    - жабрланувчига зўравонлик (жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий) оқибатлари/таъсирининг батафсил тавсифи;

- хавф ва ҳимоя омиллари (шахсий ва ижтимоий/жамоат);
- зўравонлик ҳолатини ҳал қилиш учун режалаштирилган ёки амалга оширилган ҳаракатлар;

Кейинги учрашувлар давомида ишнинг ривожланиши ҳақида маълумот тўплаш.

- Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс ўз сўзлари билан нимани ошкор қилганини қайд қилиш;
- ўз шубҳаларингизни ва уларга асос бўлган далилларни ҳужжатлаштириш (масалан, склеранинг қизариши, алкоголли заҳарланиш белгилари бўлмаганда нотўғри хатти-ҳаракатлар, кўз қорачиғининг кенгайиши, қўллардаги бармоқларнинг титраши, бурун тешигининг яллиғланиши, ҳид, спиртли ичимликлар ёки спиртли ичимликлар ҳидининг мавжудлиги);
- фойдаланилган воситалар натижаларини ҳужжатлаштириш - назорат варақлари;
- Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсни қайта йўналтириш ҳолларида **тўпланган маълумотлардан** фойдаланиш мумкинлиги ҳақида хабардор қилиш;
- мажбурий даволаш ёки тузатиш дастурига йўлланмани ҳужжатлаштириш;
- имкон қадар анамнез (яъни умумий тиббий тарих), жисмоний кўрик ва кейинги даволаш натижалари, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ёки истеъмол қилмаслик бўйича маълумотларни тўплаш;
- тузатиш ва профилактика ишлари режаси;
- пробация хизматлари, ички ишлар органларидан илгари содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар;

***Барча қайдлар хавфсиз ва махфий жойда сақланади.***

### 2.5. Қайта йўналтириш

Қайта йўналтириш тизимининг мақсади - зўравонлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, зўравонлик хатти-ҳаракатларининг сабабларини бартараф этиш ва **агрессив** хулқни тузатиш бўйича ҳар томонлама профилактика ишларини олиб бориш; зарур ҳолларда хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва инқирозга қарши маслаҳатлар бериш.

Қайта йўналтириш тизими хизмат кўрсатишдаги мувофиқлаштирилган ёндашувга эътибор қаратади. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс билан ишлайдиган барча ваколатли органлар, улар хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатида биринчи алоқа нуқтаси бўладими ёки йўқми, тизим ва мурожаат қилиш салоҳиятидан хабардор бўлиши керак.

Барча ваколатли органлар хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсни идоралараро жавоб ҳаракати (ИЖҲ), яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тиббий ва руҳий-ижтимоий хизматларга юбориши мумкин.

***Қайта йўналтиришлар бир тизим ичида ҳам, идоралараро ҳам бўлиши мумкин.*** Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими доирасида суд-тиббиёт экспертизасига, пробация хизматига, прокуратурава суд органларига йўналтириш бўлиши мумкин.

Ваколатли тиббий хизматлар хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсни тегишли ижтимоий органларга юбориши мумкин. Соғлиқни сақлаш тизимида кўрсатмалар бўйича тор мутахассисларга, мажбурий стационар даволанишга ёки психолог, ёки психотерапевтга йўлланмалар бўлиши мумкин.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳодисаси бўйича далолатномаларини тўплаш, унинг моҳиятини аниқлаш ва ушбу шахснинг хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этишда иштирок этишини аниқлашга ёрдам берадиган асосий хизматлар:

а) ички ишлар органлари хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳодисаси тўғрисида расмий ариза бериш учун;

б) тиббий, шу жумладан шошилинч ёрдам кўрсатиш учун тиббий муассаса;

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан ишлаш бўйича ваколатли органлар:

- хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсга унинг ҳуқуқлари, ҳуқуқий қоидалар/чекловлар ҳақида зўравонлик иши бўйича маълумотни тушунтириш.
- Зарурат туғилганда бошқа ваколатли органларга жўнатиш имконияти тўғрисида хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсни хабардор қилиш.
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсга, агар у содир этган зўравонлик табиати қонунга зид бўлмаса, махфийлик кафолатланиши ҳақида хабардор қилиш.
- Муассасалар/ташкилотлар, муайян хизмат кўрсатувчилар (мутахассислар) ва алоқа маълумотлари тўғрисидаги маълумотлар тизимлаштирилса ва барча тегишли муассасалар билан ўртоқлашса, мурожаат қилиш тизими самарали ишлайди.

  КИМ - қайси муассаса/ташкилот хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика ишларини олиб боришга ваколатли, шу жумладан зарурат туғилганда мурожаат қилиш учун мурожаат қилиш мумкин бўлган шахснинг алоқа маълумотлари (исми, телефон рақами);

  НИМА - муайян ваколатли органлар/хизматлар қандай ваколатларга эга;

  ҚАЕРДА - маҳаллий даражадаги ваколатли орган/хизмат жойлашган жойнинг аниқ манзили/жойлашув манзили;
- йўлланмани қисқа ёзма ҳисобот ва бошқа ваколатли орган билан телефон орқали суҳбат билан тўлдириш;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахснинг зўравонлик хатти-ҳаракатларини ўзгартириш учун профессионал ёрдам сўраш ниятини рағбатлантириш;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсни ахлоқ тузатиш дастуридан ўтишга асосли равишда рағбатлантириш;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахс билан ишлашга рухсат берилган муассасалар/ташкилотлар каталогини доим янгилаб туриш. Каталогда муассаса номи, алоқа шахси, манзили, бошқа алоқа маълумотлари, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати бўлиши керак;
- ҳар бир хизмат бўйича аниқ масъулиятни ўз ичига олган ҳолда тегишли органлар томонидан йўллаш жараёни бўйича шартномалар тузиш ва баённомалар/меморандумлар тузиш;
- идоралараро жавоб ҳаракатида иштирок этувчи идоралар ўртасида маълумот алмашиш ва мурожаат қилиш тартиб-қоидаларининг келишилганлигини ва ходимларга етказилишини таъминлаш.

## III. ИЛОВАЛАР

**1-ИЛОВА. Зўравонлик ишини рўйхатдан ўтказиш.**

**Дастлабки скрининг учун хизмат тақдим этувчи томонидан зўравонлик инцидентини/ҳодисасини рўйхатга олиш шакли**

**Диққат!** *Ушбу шакл идоралараро жавоб қайтаришга алоқадор барча хизмат тақдим этувчилар учун универсал ҳисобланади ва зўравонлик ҳодисалари бўйича маълумотларни тўплаш учун келишилган идоралараро электрон маълумотлар базасига мос келади.*

*Ушбу шакл зўравонлик жабрланувчиси қайси хизмат тақдим этувчига мурожаат қилганлиги ёки қайси хизмат тақдим этувчилардан қайта йўналтирилганлигидан қатъи назар барча хизмат тақдим этувчилар томонидан жавоб қайтаришнинг тегишли босқичлари бўйича тўлдирилади.*

| **I БЎЛИМ. РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР** | | | |
|---|---|---|---|
| **Мурожаат қабул қилинган манзил** | Ташкилот номи | | Ҳудуд коди |
| **Мурожаат тўғрисида маълумот тақдим этган ташкилот/ муассаса** | Ташкилот номи | | СТИР |
| **Зўравонлик жабрланувчисини аниқланиш усули/ мурожаат шакли** | □ шахсан | □ жабрланувчининг қонуний вакили | |
| | □ учинчи шахсларнинг хабарлари (қўшнилар, ҳамкасблар, дўстлар) | □ маҳалла фуқаролар йиғини вакили | |
| | □ соғлиқни сақлаш муассасаси | □ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари | |
| | □ ҳокимлик | □ ишонч телефони | |
| | □ таълим муассасаси | □ ижтимоий тармоқлар/ мессенжерлар | |
| | □ васийлик ёки ҳомийлик ташки- лоти | □ бошқа (номини ёзинг) | |
| **Мурожаатни/хабарни қабул қилиш санаси** | «СС.ОО. ЙИЛ» | | |
| **Нечанчи мурожаати/хабари** (қайта мурожаат қилганда/ҳабар олинганда) | □ биринчи марта | □ иккинчи марта | □ уч ёки ундан ортиқ |
| **Зўравонлик жабрланувчи- сининг яшашжойи** | Ҳудуд номи (вилоят, туман) | | Ҳудуд коди |
| | Маҳалла номи, кўчаси, уйи / хонадон рақами | | |
| **Тазйиқ / зўравонлик содир этилган жой** | Ҳудуд номи | | Ҳудуд коди |
| | Маҳалла номи | | |
| | □ оила яшайдиган уйда | □ ишда | |

| | | |
|---|---|---|
| | □ жабрланувчининг қариндошлари яшайдиган уйда | □ жамоат жойида |
| | □ таълим муассасасида | □ кўчада |
| | □ бошқа жойда | □ бошқа |

| | |
|---|---|
| **Тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг бошланган вақти** (тазйиқ / зўравонлик жабрланувчисининг сўзлари асосида ёзилади) | СС.ОО.ЙЙ |
| **Аёл жинсига мансуб шахсга нисбатан нима содир этилган** (мурожаат қилувчининг сўзлари асосида хизмат тақдим этувчи томонидан аниқланади) | □ тазйиқ<br>□ зўравонлик |

| **II БЎЛИМ. ЗЎРАВОНЛИК ЁКИ ТАЗЙИҚДАН ЖАБРЛАНУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** | | |
|---|---|---|
| **Зўравонлик жабрланувчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат** | Паспорт / (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома / ID карта/ яшаш учун рухсатнома / бошқа) (номини ёзинг) «________» (серия)______________________________(рақам) | |
| **Фамилияси, исми, отасининг исми** | | |
| **Туғилган сана** | СС.ОО.ЙЙ | |
| **Фуқаролиги** | □ Ўзбекистон | □ бошқа (номини кўрсатинг) | □ фуқаролиги йўқ шахс |
| **Оилавий ҳолати** | □ турмушга чиқмаган | □ турмушга чиққан |
| | □ ажрашган | □ бева |
| | □ ёлғиз она | □ диний никоҳда |
| | □ фуқаролик никоҳда | □ бошқа |
| | | |
| **Соғлиғи сабабли тиббиёт муассасаларида рўйхатда туради** | | □ Ҳа □ Йўқ |
| **Ногиронлиги бор/йўқлиги** | □ йўқ | □ Болаликдан ногирон |
| | □ 1 гуруҳ | □ 2 гуруҳ |
| | □ 3 гуруҳ | □ бошқа |
| **Қарамоғида борлар** (вояга етмаган болалар, қариялар, ногиронлар) | | □ Ҳа □ Йўқ |
| **Қарамоғидагилар сони** (вояга етмаган болаларидан ташқари) | | |
| **Вояга етмаган болалари сони** | | |
| **Жумладан, ногиронлиги бор вояга етмаган болалар** | □ йўқ | □ 1 |
| | □ 2 | □ 3 ва ундан ортиқ |
| **Ҳомиладорлик** | □ йўқ/номаълум | □ ҳа (ҳомиланинг ойи)_ |
| **Маълумоти** | □ мактабгача / оилавий мактабгача тарбия/ таълим | □ бошланғич таълим (1–4 синфлар) |
| | □ тўлиқ бўлмаган ўрта таълим (9 йиллик) | □ умумий ўрта таълим (11 йиллик) |
| | □ техник, касб-ҳунар таълими (коллеж, техникум) | □ олий маълумот (бакалавр, магистратура) |
| | □ олий ўқув юртидан кейинги таълим (PhD, фан доктори) | □ бошқа |
| | □ асосий иши шахсий | □ уй бекаси |

| | | |
|---|---|---|
| **Бандлиги** | хўжаликда | |
| | □ иш берувчи/тадбиркор | □ ишламайди, лекин иш қидир- моқда ва ишни бошлашга тайёр |
| | □ ишламайди ҳам иш қидир- майди ҳам | □ соғлиқ туфайли ишламайди |
| | □ деҳқон ёки фермер хўжали- гида ишлайди | □ оилавий корхонларнинг (меҳнат ҳақи тўланмайдиган) ёрдамчи ишчи |
| | □ ташкилотда, корхонада ишлайди | □ пенсионер |
| | □ йўқ (вояга етмаган) | □ мактаб ўқувчиси |
| | □ талаба | □ бошқа |
| **Ўртача даромади** | □ даромади йўқ | □ 500 минг сўмгача |
| | □ 500 минг сўмдан 1 млн сўмгача | □ 1 млн сўмдан ортиқ |
| **Илгари ҳимоя ордери берилганми** | □ Ҳа □ Йўқ | |

| **III БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС/ШАХСЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** | | | |
|---|---|---|---|
| **Фамилияси, исми, отасининг исми** (агар маълум бўлса) | | | |
| **Ёши** (агар маълум бўлса) | | | |
| **Жабрланувчига алоқадорлиги/ қариндошлиги** (агар тазйиқ / зўравонлик эркак томонидан амалга оширилган бўлса) | □ қонуний никоҳдаги эри | □ қайнотаси | □ ҳамкасби |
| | □ диний никоҳдаги эри | □ ўгай отаси | □ ўқитувчиси |
| | □ фуқаролик никоҳда бирга яшовчи | □ ўгай ака/укаси | □ синфдоши |
| | □ собиқ эри | □ бошқа оила аъзоси | □ курсдоши |
| | □ отаси | □ васий / оталиққа олган шахс | □ бошқа эркак |
| | □ ўғли | □ иш берувчи | □ нотаниш эркак |
| **Жабрланувчига алоқадорлиги/ қариндошлиги** (агар тазйиқ / зўравонлик аёл киши томонидан амалга оширилган бўлса) | □ қайнонаси | □ онаси | □ дугонаси/таниши |
| | □ қизи | □ ўгай онаси | □ ҳамкасабаси |
| | □ иш берувчиси | □ бошқа оила аъзоси | □ бошқа аёл |
| | □ ўқитувчиси | □ васий/ ҳомий | □ нотаниш аёл |
| **Жабрланувчига алоқадорликлари/қарин дошлиги** (агар зўравонлик бир гуруҳшахслар томонидан амалга оширилган бўлса) | □ эрининг оила аъзо- лари | □ биологик оила аъзо- лари | □ васийликка олган оила аъзолари |
| | □ эркак қариндошлар гуруҳи | □ аёл қариндошлар гуруҳи | □ номаълум |
| | □ эркак ҳамкасблар гуруҳи | □ аёл ҳамкасблари гуруҳи | □ бошқа |
| **Маълумоти** | □ тўлиқ бўлмаган ўрта таълим (9 йиллик) | □ умумий ўрта таълим (11 йиллик) | |

<table>
<tr><td rowspan="2"></td><td>□ техник, касб-ҳунар таълими (коллеж, техникум)</td><td>□ олий маълумот (бакалавр, маги- стратура)</td></tr>
<tr><td>□ олий ўқув юртидан кейинги таълим (PhD, фан доктори)</td><td>□ номаълум</td></tr>
<tr><td rowspan="7">Бандлиги</td><td>□ ташкилотда, корхонада ишлайди</td><td>□ асосий иши шахсий хўжаликда</td></tr>
<tr><td>□ иш берувчи/ тадбиркор</td><td>□ ишламайди, лекин иш қидирмоқда ва ишни бошлашга тайёр</td></tr>
<tr><td>□ ишламайди ҳам иш қидирмайди ҳам</td><td>□ талаба/ўқувчи</td></tr>
<tr><td>□ деҳқон ёки фермер хўжалигида ишлайди</td><td>□ оилавий корхонларнинг (меҳнат ҳақи тўланмайдиган) ёрдамчи ишчи</td></tr>
<tr><td>□ пенсионер</td><td>□ соғлиқ туфайли ишламайди</td></tr>
<tr><td>□ номаълум</td><td>□ бошқа</td></tr>
<tr><td rowspan="3">Ўртача даромади</td><td>□ даромад йўқ</td><td>□ 500 минг сўмгача</td></tr>
<tr><td>□ 500 минг сўмдан 1 млн сўмгача</td><td>□ 1 млн сўмдан 2 млн сўмгача</td></tr>
<tr><td>□ 2 млн сўмдан ортиқ</td><td>□ номаълум</td></tr>
<tr><td colspan="2">Профилактик рўйхатда туради</td><td>□ Ҳа □ Йўқ</td></tr>
<tr><td colspan="2">Соғлиғи сабабли тиббиёт муассасаларида рўйхатда туради</td><td>□ Ҳа □ Йўқ</td></tr>
<tr><td colspan="2">Муқаддам судланган</td><td>□ Ҳа □ Йўқ</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ногиронлиги бор</td><td>□ Ҳа □ Йўқ</td></tr>
<tr><td rowspan="4">Турли моддаларни истеъмол қилади</td><td>□ Йўқ</td><td>□ Ҳа</td></tr>
<tr><td>□ спиртли ичимликлар</td><td>□ гиёҳванд моддалари</td></tr>
<tr><td>□ транквилизаторлар</td><td>□ тамаки</td></tr>
<tr><td>□ бошқа (номини ёзинг)</td><td>□ номаълум</td></tr>
</table>

<table>
<tr><td colspan="3">IV БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ҲОДИСАСИНИ БАҲОЛАШ (ушбу бўлим хизмат тақдим этувчилар томонидан зўравонлик инцидентини/ҳодисасини ишончли идентификация қилиш учун зарур бўлган ваколат ва махсус тайёргарлик асосида тўлдирилади)</td></tr>
<tr><td colspan="3">IV.1. ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИСИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛГАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ТУРЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ</td></tr>
<tr><td rowspan="8">Жисмоний зўравонлик қандай амалга оширилди</td><td>□ зарар келтириши мумкин бўлган нарсани/предметни отиш</td><td>□ шапалоқ / мушт билан уриш</td></tr>
<tr><td>□ итариш, суриш, сочидан тортиш</td><td>□ уриш, тишлаш ёки судраш</td></tr>
<tr><td>□ бўғиш / бўғишга уриниш</td><td>□ тана қисмлари (қўллар, оёқлар) билан уриш)</td></tr>
<tr><td>□ тўмтоқ, кесувчи, тиғли буюмлар ва қурол билан таҳдид қилиш</td><td>□ буюмлар билан уриш (камар, меҳнат қуроллари ва бошқалар)</td></tr>
<tr><td>□ куйдириш</td><td>□ уйқудан маҳрум қилиш</td></tr>
<tr><td>□ заҳарли, токсик моддалар бериш</td><td>□ электр токи, электр жиҳозларидан фойдаланиш</td></tr>
<tr><td>□ ёнувчан суюқлик, кимёвий моддалар тукиш/сепиш</td><td>□ тўмтоқ, кесувчи ва тиғли буюмлар билан уриш, қурол ишлатиш</td></tr>
<tr><td>□ ўқ отар қуроллардан фойдаланиш</td><td>□ бошқа</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| **Руҳий зўравонлик қандай амалга оширилди** | □ бошқа одамлар олдида камситиш ёки ғурурига тегиш (лақаб қўйиш, калака қилиш, ҳақорат қилиш, сўкиш, қўрқитиш, қадрсизлантирувчи ҳазиллар) | □ ҳақорат қилиш ва айб, уят, қўрқув каби салбий ҳис-туйғуларни бошдан кечи- ришга мажбур қилиш |
| | □ жабрланувчининг қадр-қимматини доимий оғзаки равишда камситиш | □ қасддан қўрқитиш ёки таҳдид қилиш |
| | □ ота-она ва қариндошлар билан кўри- шишни тақиқлаш | □ жабрланувчини ажратиш, унинг оила аъзолари ёки дўстлари билан кўришишни таъқиқлаш |
| | □ яқинларига зарар етказиш билан таҳдид қилиш | □ жабрланувчини эътиборсиз қолдириш, унга нисбатан бефарқ муносабат |
| | □ борган манзилини назорат қилиш | □ болаларга нисбатан тажавузкорлик |
| | □ хиёнат қилганлиги тўғрисида асоссиз айбловларни илгари суриш | □ аёл бошқа эркаклар билан гаплашганда, ғазабланиш ҳолатига тушиш |
| | □ бола / болалардан маҳрум этиш таҳдиди | □ жабрланувчини ижтимоий вазифа- ларини бажармаётганликда мунтазам айблаш |
| | □ уй ҳайвонлари ва уй-рўзғор буюмларига намойишкорона зарар етказиш | □ ўз жонига қасд қилиш / ўзига зарар етказиш билан қўрқитиш |
| | □ жабрланувчининг шахсий мулоқот- ларини (мобил телефон, ижтимоий тармоқлар) кузатиш ва назорат қилиш | □ шахсий маълумотларни ижтимоий тармоқларда / мессенжерларда жойлаштириш билан таҳдид |
| | □ хизмат ваколатлари ва ҳокимиятини қўллаш | □ шикоят қилса ишдан бўшатиш билан таҳдид қилиш |
| | □ жабрланувчининг ақлдан озганлигига ишонтириш (ўзининг руҳий саломатлиги ҳақида ташвишланишга мажбур қилади) | □ ўз жонига қасд қилиш ёки ўз-ўзига шикаст етказиш |
| | □ бошқа | □ бошқа |

| | | |
|---|---|---|
| **Жинсий зўравон- лик қандай амалга оширилган** | □ жинсий шилқимлик | □ оғзаки таҳқирлаш, таҳдидлар, шаҳво- ний мазмундаги шарҳлар |
| | □ мажбурий жинсий алоқа | □ инцест (қондош бўлган оила аъзолари томонидан жинсий алоқага мажбурлаш) |
| | □ тана аъзолари билан исталмаган тегинишлар орқали шаҳватини қонди- риш | □ эксгибиционизм (жинсий аъзоларни нотаниш одамларга намойиш қилиш) |
| | □ аёл / қиз билан унинг розилиги- сиз жинсий алоқа қилишга уриниш (зўрлашга уриниш) | □ аёл / қиз билан унинг розилигисиз жинсий алоқа қилиш (зўрлаш) |
| | □ жинсий эҳтиёжларни ғайритабиий йўллар билан қондириш | □ предметлар билан шаҳвоний харакат- лар (кичик бўлса ҳам) |
| | □ порнографик материалларни кўришга мажбур қилиш | □ порнографик мақсадларда ҳаракат- ларни бажаришга мажбурлаш (фото, видеофильм) |
| | □ вояга етмаганни жинсий тусдаги ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш | □ жинсий эксплуатация |

| | | |
|---|---|---|
| | □ бошқа одам билан жинсий алоқада бўлишга ундаш | □ шавқатсиз жинсий алоқа актлари |
| | □ бошқа | □ бошқа |
| **Иқтисодий зўравонлик қандай амалга оширилган** | □ мулк ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлардан фойдаланишни чеклаш | □ асосий эҳтиёжларни қондириш учун молиявий ресурсларни чеклаш / назорат қилиш |
| | □ таълим олиш имкониятларидан фойдаланишни назорат қилиш | □ мулкдан фойдаланишни тўлиқ назорат қилиш |
| | □ иқтисодий тобеликда /қарамликда ушлаш | □ бандлик / иқтисодий фаолиятни чеклаш |
| | □ маълум бир меҳнат турини тақиқлаш | □ ишлашни тақиқлаш |
| | □ иш жойида таъқиб қилиш | □ касбий ўсишни тақиқлаш |
| | □ зарур эҳтиёжлар учун пул сўрашга мажбур қилиш | □ барча шахсий маблағларни топши- ришга мажбур қилиш |
| | □ уй хизматкоридек муомала қилган- дек муносабат қилиш/билдириш | □ бошқа |

| | | |
|---|---|---|
| **IV.2. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ОҚИБАТЛАРИ** (Ушбу бўлим хизмат тақдим этувчилар томонидан махсус тайёргарлик, ваколатга эга мутахассисларни жалб қилган ҳолда тўлдирилиши керак. Зўравонлик ҳодисасининг махфийлигини таъминлаш зарурати туфайли баъзи бўлимларга махсус кириш ҳуқуқи талаб этилади) | | |
| **Психологик зўравонликнинг оқибати** | □ хавотир даражасининг ошиши | □ вақтни назорат қилолмаслик |
| | □ депрессия | □ айбдорлик ва уят ҳисси |
| | □ уйқусизлик | □ ўз жонига қасд қилиш кайфияти |
| | □ лоқайдлик, бефарқлик | □ хотира бузилиши |
| | □ психоэмоционал таъсирчанлик | □ кайфиятнинг ўзгариши (асоссиз кулиш, кўз ёшлари) |
| | □ овқатланиш одатларидаги ўзгаришлар (булимия, анорексия) | □ бошқа |
| **Жисмоний зўравонликнинг оқибатлари** (тиббий мутахассислар томонидан тўлдири- лади) | □ кесиш | □ тилиш |
| | □ қонталаш, кўкариш, қизариш | □ қулоқ ёки кўз жароҳати |
| | □ тўқималарнинг шикастланиши, эт узилиши | □ куйиш |
| | □ чуқур жароҳатлар | □ тиш ёки суяк синиши |
| | □ ички органларнинг шикастланиши | □ бош мия жароҳати, бошнинг шикастла- ниши/жароҳатланиши |
| | □ ҳолсизлик | □ музлаш |
| | □ ҳомила тушиш хавфи | □ ҳомила тушиши |
| | □ юмшоқ тўқималарнинг жароҳати | □ бош оғриғи, қон босимининг ошиши |
| | □ ҳомиланинг бачадон ичида нобуд бўлиши | □ нормал жойлашган плацентанинг муддатидан олдин кўчиши |
| | □ ҳомиладорлик даврининг патологик кечиши (қон кетишлар, преэклампсия, эклампсия ва б.) | □ бошқа |
| **Жинсий зўравонлик оқибатлари** (тиббий мутахассислар томонидан тўлдирилади) | □ жинсий аъзоларининг шикастланиши | □ жинсий йўл билан юқадиган инфекция ва ОИВ билан касалланиш |
| | □ ўз танасидан нафратланиш ҳисси | □ ўз-ўзига ёқмаслик ҳисси |
| | □ ўзини айблаш, умидсизлик ҳисси | □ ўз жонига қасд қилиш фикри / кайфияти |

| | | |
|---|---|---|
| | □ алоқадан, мулоқотдан қочиш, бегона- лашиш | □ ҳушидан кетиш |
| | □ хавотирнинг кўтарилиши | □ руминация |
| | □ бошқа | □ бошқа |
| **Иқтисодий зўравонлик оқибатлари** | □ пала-партиш ташқи кўриниши, мавсу- мий кийинмаганлик | □ организмнинг ҳолсизлиги |
| | □ депрессия | □ агрессивлик |
| | □ хавотир ҳиссининг ошиши | □ ночорлик, қашшоқлик |
| | □ организм иммунитетининг пасайиши, камқонлик ва тез-тез шамоллашлар | □ асосий тиббий хизматдан маҳрум қилиш, оилавий поликлиника/оилавий шифокорлик пунктида тиббий кўриклар- дан ўтишга тўсқинлик қилиш |
| | □ боланинг эҳтиёжларини қондира олмаслик | □ шамоллаш |
| | □ тиланчилик | □ бошқа |

| **V БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ** | | |
|---|---|---|
| V.1. ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИСИНИНГ МУҲИМ ҲАЁТИЙ ФУНКЦИЯЛАРИГА ТАЪСИРКЎРСАТАДИГАН ИНҚИРОЗЛИ ВАЗИЯТЛАРДА БИРЛАМЧИ ЁРДАМ | | |
| **Тақдим этилган инқироз хизматлари** | □ шошилинч мурожаатга жавоб бериш (ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тиббиёт муассасалари) | □ асосий ҳаётий эҳтиёжларни қондириш (очлик, ташналик, уйқу) |
| | □ хавфсизлик режаси | □ ҳимоя ордери учун мурожаат |
| | □ вақтинчалик бошпана | □ бошқа |
| V.2. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖМУАВИЙ ЁРДАМ/ХИЗМАТЛАР | | |
| **Психологик хизматлар** | □ ишонч телефони орқали маслаҳат | □ психотерапия машғулотлар |
| | □ инқирозли ҳолатига барҳам беришга йўналтирилган психологик маслаҳат | □ психологик тренинг, қўллаб-қувватлаш гуруҳи |
| | □ хизмат тақдим этувчилар ҳақида маълумот | □ бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўнал- тириш |
| **Ҳуқуқий хизматлар** | □ зўравонлик ҳодисаларбўйича тергов ўтказиш ва далилларни тўплаш | □ жабрланувчига ҳуқуқий маслаҳат бериш |
| | □ суд органларига мурожаат қилиш учун ариза ёзишда ёрдам бериш | □ ҳимоя ордерини бериш |
| | □ жабрланувчини қайта жабрланишидан ҳимоя қилиш ва жабрловчи ҳимоя ордеридаги талабларга амал қилишини назорат қилиш | □ ҳужжатларни тиклаш (паспортлар, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ва бошқалар) |
| | □ судда жабрланувчини ҳимоя қилиш | □ суд жараёнида гувоҳлик бериш |
| | □ идоралараро ҳамкорлик асосида жабрланувчини бошқа хизмат кўрсатувчига йўналтириш | □ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа хизмат тақдим этувчилар тўғрисидаги маълумотлар бериш |
| | □ бошқа | □ бошқа |
| **Тиббий хизматлар** | □ жароҳатни даволаш ва шошилинч тиббий ёрдам | □ суд-тиббиёт намуналарини йиғиш ва ҳужжатлаштириш |
| | □ шифокор ёки мутахассис билан маслаҳатлашув | □ тор ихтисослашган тиббиёт мутахассисларига йўналтириш |
| | □ руҳий саломатликни баҳолаш | □ шошилинч контрацепция |

| | | |
|---|---|---|
| | □ ОИВ, жинсий йўл билан юқадиган бошқа инфекциядан кейинги профилактика | □ руҳий саломатликни даволаш |
| | □ ёзма далилларни тақдим этиш ва судга ташриф | □ идоралараро жавоб учун йўналтириш |
| **Ижтимоий хизматлар** | □ давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ёрдам тўғрисида маълумот бериш | □ моддий ва молиявий ёрдам (шу жумладан имтиёзлар, бир марталик ёрдам) |
| | □ уй шароитларини яхшилашга ёрдам бериш | □ иш билан таъминлашда / иш топишда ёрдам бериш |
| | □ оилавий низоларни ҳал қилишда медиация хизматлари | □ зўравонлик жабрланувчиларининг фарзандлариучун таълим олиш / давом эттириш учун шароитларни ташкил этишда ёрдам бериш |
| | □ бошпаналарда вақтинча қолиш хизматлари (инқироз ҳолатларидан ташқари) | □ касб-ҳунар эгаллашда ёки қайта тайёрлашда ёрдам бериш |
| | □ ҳужжатларни тиклаш хизматлари | □ васийлик / ҳомийликни тиклаш бўйича хизматлар |
| | □ бошқа хизмат тақдим этувчилар билан алоқа ўрнатишда ёрдам бериш | □ бошқа |

| V.3. ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРАЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШ ДОИРАСИДА БОШҚА ХИЗМАТ ТАҚДИМ ЭТУВЧИЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ (ҚАЙТА ЙЎНАЛТИРИШ) (жабрланувчи дастлаб мурожаат қилган ташкилот ва кейинги йўналтирилган муассаса томонидан тўлдирилади) | | |
|---|---|---|
| **Зўравонлик жабрланувчиси қаерга йўналтирилди** | □ тиббиёт муассасалари | □ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари |
| | □ инқироз/реабилитация марказлари | □ шелтер / вақтинчалик бошпана |
| | □ фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судларга | □ маҳалла фуқаролар йиғини |
| | □ адвокатуралар | □ бандлик марказлари |
| | □ хокимлик | □ психологик марказлар |
| | □ маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари | □ аёллар ташкилотлари |
| | □ ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар | □ аёллар кенгаши |
| | □ бошқа | □ бошқа |
| **VI БЎЛИМ. ХИЗМАТ ТАҚДИМ ЭТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР НАТИЖАЛАРИ** (ёрдам ёки хизмат тугагандан сўнг зўравонликка жавоб қайтаришга алоқадор барча хизмат тақдим этувчилар томонидан тўлдирилади) | | |
| **Зўравонликка жавобан эришилган натижалар** | □ оилавий низоларни ҳал қилишда ёрдам бериш | □ тузатиш дастури ва медиация натижасида оилавий муҳитни яхшилаш |
| | □ бепул профилактик тиббий кўрик | □ асосий тиббий хизматлардан фойдаланишни таъминлаш (клиник текширув, сурункали касалликларни даволаш) |
| | □ сурункали касалликларни даволаш | □ тиббий кўрик/диспансер хизмати |

| | | |
|---|---|---|
| | □ болаларнинг мажбурий таълим олиш имкониятини таъминлаш | □ болаларни эмлаш |
| | □ касб-ҳунар таълими | □ ишга жойлашиш / кичик бизнесни очишда ёрдам бериш |
| | □ ҳужжатларни тиклаш | □ оилани тиклаш, оилага реинтеграция қилиш |
| | □ вақтинча / доимий уй-жой билан таъминлаш | □ мулкий низолар ҳал қилиш |
| | □ психологик реабилитация дастуридан ўтиш | □ ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг олдини олиш |
| | □ бошқа | □ бошқа |

**2-ИЛОВА. Зўравонликни содир этган шахс(лар)ни аниқлаш бўйича кўрсатмалар.**

**Муҳим!** Ушбу йўриқнома зўравонлик ҳолатлари билан ишлаш бўйича масъул бўлган ваколатли ходимлар учун мўлжалланган. Зўравонлик содир этилганлиги ҳақида хабар олингандан сўнг дарҳол қўлланилиш тавсия этилади. Йўриқномадан фойдаланиш агрессив хулқни ўзгартириш бўйича тузатувчи ва профилактика ишларини белгилаш учун зўравонликни содир этган шахсни тўғри аниқлаш имконини беради.

| № | Тажовузкор/зўравон хатти-ҳаракатларни кўрсатадиган хулқ-атвор, баёнотлар ва сўзлар | Белги |
|---|---|---|
| 1. | Шахснинг хулқ-атвори агрессивлик, асабийлашиш, жаҳл қилиш ва ташвиш элементларини ўз ичига олади. Ваколатли шахслар билан мулоқот қилишдан бош тортиш ёки уларга нисбатан тажовуз. | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 2. | Шахс зўравонлик қилиш тўғрисидаги ишни шахсий масала деб ҳисоблайди ва ишни ваколатли ходимлар билан муҳокама қилишдан бош тортади. | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 3. | Шахс ўзининг зўравонлик ҳаракатини жабрланувчи(лар)нинг манфаати учун тарбиялаш воситаси сифатида тушунтирадилар. У ўзини жабрланувчининг ҳаракатини ва қариндошлари билан мулоқотини чеклашга ҳақли деб ҳисоблайди. | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 4. | Шахс зўравонлик ҳаракатини оддий жанжал ва тушунмовчилик деб ҳисоблаб, жабрланувчига ва унинг фарзандларига хайрхоҳлик ва ғамхўрлик кўрсатишини очиқчасига эълон қилади. | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 5. | Шахс жабрланувчи билан муносабатларда ўзини мутлақ ҳокимиятга эга деб ҳисоблайдилар ва унинг ҳамда унинг фарзандларининг барча хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблайди. Улар ўзларининг жабрланувчиларини тенг ҳуқуқли шерик деб билишмайди. | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 6. | Шахс ўзларининг зўравонлик ҳаракатлари учун асос сифатида анъанавий, миллий ва диний урф-одатлар, жабрланувчининг оиладаги/жамоадаги мавқеи ва ёшига ишора қиладилар. | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 7. | Шахс жабрланувчининг мулкий ва бошқа моддий ҳуқуқлари, масалан, оилавий бюджет, умумий уй-жойдаги умумий фойдаланиш жойларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш каби ҳуқуқларга эга эмас деб ҳисоблайди. | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 8. | Шахс жабрланувчини, унинг фарзандлари ва қариндошларини одобсиз ёки камситувчи сўзлар билан ҳақоратлайди | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 9. | Шахс жабрланувчини жинсий ва бузуқ ҳаракатларда айблайди ёки аксинча, никоҳ мажбуриятларини эътиборсиз қолдиришда айблайди. | □ Ҳа<br>□ Йўқ |
| 10. | | □ Ҳа |

| | | |
|---|---|---|
| | Шахс/шахслар жабрланувчини оиладаги ёки иш жойидаги ўз "вазифалари"ни бажармаганликда ёки нотўғри бажарганликда айблайдилар. | □ Йўқ |
| 11. | Ваколатли ходимлар кетганидан кейин шахс/шахслар жабрланувчини унга ва/ёки фарзандларига нисбатан қасос олиш билан таҳдид қиладилар. Шахс/шахслар умумий мулкка шикаст етказиш ёки йўқ қилишга қодир бўлган нарсалар билан қўрқитишади. | □ Ҳа |
| | | □ Йўқ |

*Ваколатли шахслар ушбу кўрсатмани қўллашда зўравонлик ҳаракатида гумон қилинган шахс / шахслар билан бир хонада бўлган жабрланувчининг хатти-ҳаракатларига эътибор беришлари МУҲИМ:*

1. Жабрланувчи очиқчасига низога киришмайди, зўравонлик ҳаракатида гумон қилинган шахс/шахслар билан баҳслашмайди.
2. Жабрланувчи гумон қилинувчи(лар) иштирокида шахсий/интим мавзуларни муҳокама қилишдан қочишга ҳаракат қилади, зўравонлик иши учун айбни ўз зиммасига олади, ўзини тажовузкор ҳаракатлардан ҳимоя қилишга уринмайди.
3. Жабрланувчи йиғлайди ёки ҳиссий жиҳатдан қотиб қолган ҳолатда бўлади, саволларга аниқ жавоб бера олмайди, жароҳатлар ва зўравонлик изларини яширади, тўсатдан қилинган қалтис ҳаракатлардан ва баланд товушлардан чўчийди, ўзининг безовталигини, оғриғини ва соғлиғининг ёмонлигини яширади.

**3-ИЛОВА. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсларнинг такрорий зўравон хатти-ҳаракатларини эрта профилактикаси режаси (намуна)**

**Эслатма:** Ушбу режа жабрланувчи ва унинг фарзандларининг такрорий жабрланишини хавфини камайтириш учун зўравонликни содир этган деб тан олинган шахс билан муҳокама қилиниши керак.

**Хотин-қизларга нисбатан зўравонликни содир этган шахснинг такрорий зўравонлик хулқ-атворини (оилада / иш жойида) олдини олиш тўғрисида розилиги**

*(Режа профилактика инспектори ва/ёки бошқа ваколатли ходимлар томонидан зўравонлик жабрланувчиси ва унинг фарзандлари зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахс ёнида бўлган тақдирда ишлаб чиқилади.)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Мижоз** | _________________________ | **Ваколатли шахс** | _________________ |
| **Сана** | _________________________ | **Қайта ўрганиш санаси** | ___________________ |

- Менга менинг ҳаракатларим зўравонлик/тажовузкор характерга эга эканлиги, бунинг натижасида аёлнинг (ва унинг фарзандларининг) соғлиғи ва ҳаётига тузатиб бўлмайдиган зарар етказишим мумкинлигини тушунтиришди.
- Мен зўравонлик хатти-ҳаракатларим жабрланувчи (ва унинг фарзандлари) ва ўзим учун ҳуқуқий ва тиббий оқибатларга олиб келишини тушунаман.
- Мен жабрланувчига берилган ҳимоя ордери қоидаларига қатъий риоя қилишга розиман.
- Мен зўравонлик хатти-ҳаракатларини такрорлаганлик учун амалдаги миллий қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жазо чоралари билан танишдим.
- Такрорий зўравонлик хатти-ҳаракатларини содир қилиш истагини келтириб чиқарадиган ҳиссий ҳолат кучайган тақдирда, мен агрессивлик даражасини пасайтиришда ёрдам бериш учун мутахассислар, яқин қариндошлар, дўстлар билан боғланиш муҳимлигини тушунаман.
- Агрессивлигим кучайган тақдирда, мен ўз хатти-ҳаракатларимни назорат қилиш муҳимлигини, жабрланувчини (ва унинг фарзандларини) ҳеч қандай жойда (жамоат жойларида, иш жойида, уйда, унинг қариндошларининг уйида, бошқа жойларда) таъқиб қилмаслик муҳимлигини тушунаман.
- Мен ғазабланган пайтимда жабрланувчи ва унинг фарзандлари ва/ёки ўзимнинг ҳаётим ва соғлиғимга таҳдид соладиган жароҳатларга олиб келиши мумкин бўлган тўмтоқ, ўткир ва тешувчи нарсаларни олмаслик мажбуриятини ўз зиммамга оламан.
- Агар жабрланувчи (ва унинг фарзандлари) бошқа жойда яшаса, мен уларни таъқиб қилмасликка, уларга қўнғироқ қилмасликка ёки таҳдид қилмаслик мажбуриятини ўз зиммамга оламан, чунки булар такрорий зўравонлик ҳодисаларини тергов қилишда оғирлаштирувчи ҳолатлардир.
- Жабрланувчига (ёки унинг қариндошларига) ёрдам сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёки бошқа ташкилотларга мурожаат қилганлиги учун унга нисбатан жазо ёки жавоб чораларини қўлламаслик мажбуриятини оламан.

***Ваколатли ходим менга қуйидагиларни тушунтирди:***

- Аёлларга (ва унинг фарзандларига) нисбатан таъқиб ва зўравонлик хуқуқбузарлик ёки жиноят ҳисобланади ва қонун билан жазоланади.
- Такрорий зўравонлик ҳаракатлари содир этилган тақдирда, менга нисбатан янада қаттиқроқ жазолар қўлланилади, жумладан, жамоат ишлари, жарималар ва қамоқ жазоси.
- Мен зўравонликни содир этган шахс сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида рўйхатга олинаман.
- Ваколатли ходимлар менга агрессивлик хулқимни тузатиш бўйича машғулотлар ўтиш зарурлигини тушунтирдилар.

Мижоз:_______________________________________(тўлиқ исми, имзоси)

**4-ИЛОВА. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этган шахс билан тузатиш ва профилактика дастури (намуна)**

| | | |
|---|---|---|
| "Келишилган"<br>________________________ | "Келишилган"<br>________________________ | "Тасдиқлайман"<br>____________________<br>XXXXXXX вилояти XXXXXXX тумани “XXXXX” маҳалла фуқаролар йиғини раиси |
| "Келишилган"<br>________________________ | "Келишилган"<br>________________________ | "Келишилган"<br>________________________ |

**ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС БИЛАН ТУЗАТИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ДАСТУРИ (НАМУНА)**

Ушбу дастур зўравонлик ҳодисасини дастлабки ўрганиш, жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсни аниқлаш натижалари асосида ишлаб чиқилиши керак. Тузатиш ва профилактика ишлари режаси ваколатли давлат органлари (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, тиббиёт муассасалари, ҳокимликлар, бандликка кўмаклашиш марказлари ва бошқалар) ва жамоат ташкилотларининг (Маҳалла фуқаролар йиғинлари, ННТ) барча вакиллари иштирокида ишлаб чиқилади.

| № | Тадбирлар | Кутилаётган натижа | Ваколатли органлар/ходимлар |
|---|---|---|---|
| 1 | Содир этилган зўравонлик ҳодисасини чуқур ўрганиш: зўравонлик тарихи, иштирокчилари, олдинги зўравонлик ҳаракатларининг оқибатлари (агар мавжуд бўлса) ҳақида маълумот тўплаш. | Зўравонлик ҳодисаси ҳақида батафсил маълумот. | Профилактика инспектори, МФЙ раиси |
| 2. | Зўравон хатти-ҳаракатлар даражасини ва зўравон хатти-ҳаракатларнинг сабабларини баҳолаш. Зўравонликни содир этган шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида профилактик ҳисобда ва / ёки тиббиёт муассасаларида "Д" ёзувларида қайд этилганлиги ёки қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумот тўплаш. | Тажовузкорликнинг даражаси баҳоланди.<br>Тажовузкор ҳақида маълумот йиғилди. | Профилактика инспектори, яшаш жойидаги оилавий поликлиника шифокори, МФЙ раиси |
| 3. | Зўравонликни содир этган шахснинг саломатлигини агрессив хулқига олиб келадиган ҳар қандай касалликлар, ёмон одатлар (алкогол, гиёҳванд моддалар ва бошқа психотроп моддаларни суиистеъмол қилиш, қимор ўйинлари) мавжудлигига текшириш. | Руҳий ва соматик саломатлик ҳолати баҳоланди. | Яшаш жойидаги оилавий поликлиника шифокори |
| 4. | Зўравонликни содир этган шахснинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва эҳтиёжларини баҳолаш (яшаш жойи, оила аъзоларининг сони, уйдаги яшаш шароитлари, оила аъзоларининг иш | Уй хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий портрети | МФЙ раиси ва ижтимоий иш бўйича ваколатли ходим. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | билан таъминланиши, даромад манбаларининг мавжудлиги ва оила фаровонлигини молиявий баҳолаш ва бошқалар.) | | |
| 5. | Зўравонлик ҳодисасининг ҳуқуқий ва тиббий оқибатлари ҳақида профилактик суҳбат ўтказиш. Зўравонлик содир этганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишнинг амалдаги чоралари билан таништириш. Ҳимоя ордерини бериш. | Зўравонлик содир этган шахсга ўзининг ҳаракатларининг ҳуқуқий ва тиббий оқибатлар ҳақида хабар берилди. | Профилактика инспектори, МФЙ раиси |
| 6. | Тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда(руҳий ва сурункали касалликлар, алкоголизм, гиёҳвандлик, токсикомания), зўравонликни содир этган шахсни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда тор тиббий мутахассисларга йўналтириш. | Тажовузкор тиббий сабабларга кўра тегишли муассасага йўналтирилди. Тажовузкорни индивидуал тиббий тузатиш дастуридан ўтиши учун йўналтирилди. | Ваколатли тиббиёт ходими |
| 7. | Зўравонлик билан бирга келадиган ижтимоий омилларни бартараф этиш учун оила/уй хўжалигининг моддий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришда ёрдам кўрсатиш, (масалан, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, касбга ўкитиш, имтиёзли субсидиялар ва кредитлар, арзон уй-жой ва бошқалар). | Мақсадли ижтимоий ёрдам ва хизматлар. | Ваколатли ижтимоий хизматлар |
| 8. | Психологик хизматларига йўналтириш (кўп тармоқли поликлиникаларда). Тузатиш дастуридан ўтиш учун амалиётчи психологлар ҳақида батафсил маълумот бериш. | Зўравонликни содир этган шахсни индивидуал психологик тузатиш дастуридан ўтиши. Мавжуд амалиётчи психологларнинг рўйхати. | Ваколатли психологик хизматлар |
| 9 | Ваколатли органлар ходимлари томонидан комплекс тузатиш дастурининг амалга оширилишини мониторингини олиб бориш (ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш, тиббий, ижтимоий ва психологик хизмат кўрсатиш органлари томонидан). | Тузатиш дастурининг таъсирини баҳолаш ва тузатиш чораларини давом эттириш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш. | Барча ваколатли шахслар |
| 10. | Эҳтимоли бўлиши мумкин булган такрорий зўравонлик ҳодисаларини ўрганиш учун уй хўжалиги/иш жойи мониторинги. Ташрифларни ҳужжатлаштириш. | Зўравонликнинг такрорий ҳолатлари мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақида маълумот. Ишни тугатиш ёки давом эттириш тўғрисида қўшма баённома тузиш. | Барча ваколатли шахслар |

## 5-ИЛОВА. Ҳимоя ордерини бериш органиграммаси

**ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ БЕРИШ ВА ПРОФИЛАКТИК ИШЛАР ОРГАНИГРАММАСИ**



## 6-ИЛОВА. Тузатиш дастуридан ўтказиш органиграммаси

**ТАЗЙИҚ ЎТКАЗГАН ВА ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРИДАН ЎТИШИ ОРГАНИГРАММАСИ**



**7-ИЛОВА. Зўравонликнинг комплекс оқибатлари**

| | |
|---|---|
| **ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАР**<br>*Маъмурий/жиноий жавобгарлик:* Тухмат. Ҳақорат қилиш.<br>Вояга етмаганлар ёки муомалага лаёқатсиз шахсларни таъминлашдан бўйин товлаш. Ота-онагаёрдам беришдан қочиш.<br>*Қуйидагилар учун маъмурий жавобгарлик:* болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича мажбуриятларни бажармаслик. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунни бузиш. Васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилиш. Енгил тан жароҳати етказиш. *Қуйидагилар учун жиноий жавобгарлик:* ўз жонига қасд қилишига сабабчи бўлиш ёки шу аҳволга етказиш. Қасддан оғир тан жароҳати, қасддан ўртачаоғирликдаги тан жароҳати. Баданга қасддан енгил шикаст етказиш. Кучли руҳий қўзғалиш ҳолатида қасддан оғир ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш. Қийноқ. Эҳтиётсизлик билан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш. Аёлни аборт қилишга мажбурлаш. Зўрлаш. Жинсий эҳтиёжни ғайритабиий шаклда зўравонлик билан қондириш. Аёлни турмушга чиқишга мажбурлаш ёки уни турмуш қуришига тўсқинлик қилиш. | **ТИББИЙ ОҚИБАТЛАР**<br>*Аёл ва болалар саломатлигига таъсири:* тери ва юмшоқ тўқималарнинг шикастланиши. Суякни синиши. Тишлар, кўзлар, қулоқларнинг шикастланиши. Жигар, талоқнинг ёрилиши. Бош суяк-мия шикастланиши.<br>*Репродуктив органларнинг шикастланиши*: қин, қин деворлари, анус ва оралиқнинг ёрилиши; исталмаган ҳомиладорлик.<br>*Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар*: захм, сўзак, хламидиоз, генитал герпес, кондилома, инсон иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) ва бошқалар.<br>*Ҳомиладорлик кечишини* асоратланиши, ҳомиладорлик тўхташ таҳдиди, ҳомилани тушиб қолиши. Аборт таҳдиди, аборт қилиш. Она ва гўдак ўлими.<br>*Психосоматик касалликлар*: Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги. Гипертоник касаллик. Қандли диабет. Юрак ишемияси. Миокард инфаркти. Инсульт.<br>*Болаларда,* айниқса ўғил болаларда тунда сийиб қўйиш (энурез). Жисмоний ва ақлий ривожланишнинг кечикиши. Дудуқланиш. Аутизм. Боланинг ривожланишидаги оғир руҳий касалликлар.<br>*Зўравонлик содир этган шахснинг саломатлигига таъсири ҳақида:* жинсий функцияни бузилиши. Агрессия ва ғазабнинг портлаши, носоғлом жинсий ҳаёт тарзи дисфункцияга (импотенция), простатит ва простата аденомасига, бепуштликка, саратон касаллигига олиб келади. Нейропсихик касалликлар (психоз ва депрессия). Ўз жонига қасд қилиш кайфиятлари. Ўз жонига қасд қилиш.<br>*Психосоматик касалликлар:* Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги. Гипертоник касаллик. Қандли диабет. Юрак ишемияси. Миокард инфаркти. Инсульт. |
| **ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАР**<br>*Моддий активларга етказилган зарар:* моддий активлар ва уй-рўзғор буюмларини қисқа муддатли хизмат қилиши, кўчмас ва кўчар мулкка, томорқадан олинган маҳсулотларга, уй ҳайвонларига зарар | **ПСИХОЛОГИК ОҚИБАТЛАР**<br>*Аёллар ва қизлар учун*<br>Депрессия, доимий қўрқув ва ўзини йўқотиши, ташвиш, ўзини паст баҳолаши, ўрганилган ночорлик, иштаҳанинг йўқолиши ва уйқу муаммолари (ёмон уйқу, уйқусизлик), травмадан кейинги стресс ва обсессив-компулсив бузилишлар, озиқ-овқат билан боғлиқ соғлиқ муаммолари (булимия, анорексия). |

| | |
|---|---|
| етказиш, оила аъзоларини даволаш учун харажатларни ошиши.<br>*<u>Номоддий активларга етказиладиган зарар</u>:*<br>болаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг пасайиши, болаларда девиант хулқнинг шаклланиш хавфи ва севимли машғулотларининг йўқлиги, оила аъзоларининг (айниқса, катта ёшдагиларнинг) меҳнат лаёқатинингпасайиши, уй ишларини, ёқтирган машғулотларини бажариш учун мотивациянинг сусайиши.<br>Зўравонлик содир этган шахснинг обрўси тушиши хавфи: жамиятда, иш жойида ўз ҳурматини йўқотиши, мартаба ўсишидаги чеклов. | Жароҳатдан кейинги стресс, ўз жонига қасд қилишга уринишлар ва ўз жонига қасд қилиш, жисмоний ёки ақлий ривожланишнинг бузилиши биланбоғлиқ муаммолар.<br>*<u>Зўравонлик содир қилган шахс учун</u>*:<br>*хўрлик ва ожизликни ҳис қилиш, чунки у ўзи калтаклаган хотини томонидан ташлаб кетилишидан қўрқиб, ҳиссий зўравонлик даражасида яшайди, у хотини билан зўравон муносабатда бўлиш орқали ички тарангликни вақтинча бартараф эта олади.<br>Ўзаро муносабатларнинг бузилиши, ҳиссий ёлғизлик.<br>Уни ҳеч ким севмаслигини доимий ҳис қилиш, бошқалар у билан мулоқот қилишдан қочишини ҳис қилиш<br>Психопатия (социопатия) инқирози ва шахснинг деградацияси; драматик оқибатлар: ўлим, яқин одамдан ажралиш, ижтимоий қадриятлар ва шахсий алоқаларни йўқотиш. |